



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 26-sentabr • №39 (4282)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

ЭЗГУЛИК ЧАРОҒБОНИ

Ҳазрат Навоий бобомиз устоз ва мураббийлар шаънини улуғлаб шундай лутф этганлар:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф

Ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.
Фарзандларимизнинг келажақда қандай касбни эгаллаши, ҳаётда ўз йўлини топиши нафақат ота-она, айни чоғда ўқитувчиларга ҳам боғлиқ. Зеро, донишмандлар айтганидек, мактаб — ёшлик гулшани, болалар эса унинг бебаҳо ниҳоллари, устоз-ўқитувчи бу боғнинг доно соҳибкори. У экан ниҳолларнинг ҳосили авлоддан авлодга ўтиб, ундан эл баҳра топади.

Мактабни тугатганимизга неча йиллар ўтган бўлса-да, ҳануз бизга илк сабоқ берган устозларимизни эслаймиз. Ҳамон илк сабогини кутлуг Она, Ватан, Тинчлик, Нон каби сўзлар билан бошлаган, ҳижжалаб ўқиб-ўргатган меҳрибон ва куюнчак муаллимларимизнинг овози кўлоқларимиз остида садо бериб туради. Янги-янги довларни босиб ўтарканмиз, улардан олган илк сабоқ ҳамиша қўл келади. Минглаб қалбларга эзгулик уруғини қадаган, Ватанини севиш, ота-онани эъзозлаш туйғуларини шакллантирган, мустақил қадам ташлашга ўргатадиган ўқитувчи ва устозларимиз меҳнати бугунги кунда баркамол авлод тимсолида ўз қадрини топомоқда. Шу боис бугун юртимизда ўқитувчилик касби қадр топди, шарафланди.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам устозларга бўлган алоҳида эҳтиром намунасидир. Айнан шу кун яна бир бор жонқуяр ва фидойи устозларимизнинг машаққатли меҳнатини ёдга оламиз. Ахир қайсидир фанга ёки касбга меҳр қўйишимизда ана шу фидойи устозларимизнинг ўрни бекиёс. Бизларга сабоқ бериш асносида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловида голиб бўлган ўқитувчи ва устозларимиз бутун мактабимиз фахрига айлангани ҳам бежиз эмас. Улар туйғайли жорий 2014 йилда 50 нафар ёшларимиз турли халқаро танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлди.

— Таълим соҳасидаги ислохотлар жараёнида устоз мураббийлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш доимий эътиборда бўлиб келмоқда, — дейди Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Нигора Бобоева. — Давлатимиз раҳбари томонидан 2005 йилда қабул қилинган халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори, ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" каби унвонлар билан мустақиллик байрами арафасида устозу мураббийларимизнинг тақдирланиши — буларнинг барчаси ўқитувчилар меҳнатининг ҳар томонлама эъзозланаётганининг ёрқин намунасидир. Келажагимиз бўлган болалар учун яратилган шарт-шароитлар устозларимизнинг комил инсонларни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасини оширмоқда. Замонавий илм масканлари, спорт иншоотлари, санъат даргоҳлари йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук бўлишига хизмат қилмоқда. Ота-боболаримиз ўқиган мактаблардан бугунги таълим муассасалари бутунлай фарқ қилади. Зах босган, томидан чакки ўтадиган мактаблар ҳақида ўқувчиларимизга, фарзандларимизга айтиб берсак, бу уларга чўлпакдек туюлади. Менинг ёшларга айтадиган гапим: устозу муаллимларингиз бераётган сабоқларни кунт билан ўрганинг. Чунки улар ўргатган энг майда нарсалар ҳам катта ҳаётга қадам ташлашнинг қадам бўлади. Барча шарт-шароит яратилган шундай гўзал замонада сизлардан талаб қилинадигани факат илм олиш. Билимли бўлсангиз дунё сизники...

Дарҳақиқат, ўтган йилда таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ҳамда коллежлар, олий ўқув юр்தларининг моддий базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларини ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилиб, 2 минг нафарга яқин чет тили ўқувчиси тайёрланди. Уларнинг умумий сони бугунги кунда 26 минг кишига етди.

Мана, кузинг фароҳбахш биринчи ойи

якун топомоқда. Мустақиллик байрами арафасида ўтказилган "Билимлар кuni"даги ҳисҳажонлар тафти босилмасдан "Ўқитувчи ва мураббийлар кuni"ни нишонлаш арафасида турибмиз.
1 октябрь санаси яқинлашган сари яна бир бор аждодларимиз кимлигини ёдга оламиз. Улар чирогини ёқиб, амалга оширган буюк ишларини давом эттириш учун ҳаёт пилла-полярларидан дадил одимлаётган ёшларга ҳазрат Навоийнинг кўнгил битиклари доимо ҳамроҳ бўлади. Мирзо Улуғбекнинг йўлчи юлдузлари йўлларини ёритиб туради. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний каби мутафаккир аждодларимиз дунё илм-фани, фалсафа ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшганлар, юртимиз довларини бутун жаҳонга таратганлар. Зеро, шу йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алло-малари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бу улуг зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари — бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз". Дарҳақиқат, ўтган аждодларимиз ва устозларимизнинг ана шу жасорати, илм-фанга садоқати келгуси авлодларни ҳам буюк кашфиётлар яратишга ундаши шубҳасиз. Қолаверса, ўтган аждодларимизнинг, устозларимизнинг ана шундай буюк ишларидан фазру ифтихор туйиш, улар хотирасини ёдга олиш каби эзгу амаллар машъададек йўлларимизни ёритиб туради.

Ўғил-қизларга, шогирдларига заҳмат чекиб, ранжу машаққатлар ила таълим-тарбия бераётган, биргина "Раҳмат, Устоз!" деган рағбатдан кўнгли осмон устозларимиз олдидаги қарзимизни ютуқларимиз, Ватанга бўлган кескс муҳаббатимиз орқалигина узишимиз мумкин. Зотан, икки оғиз илиқ сўз, айниқса, ўқувчиси ҳақида айтилган яхши гапдан завқ туюдиган мураббийлар эзгулик ва маърифат боғининг чароғбонидир.

Барно СУЛТОНОВА



Юнусобод туманидаги 302-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Мамнуна Марифова.

СИЗ УЛУҒ МУАЛЛИМ, МУРАББИЙ, УСТОЗ

Қуёшдан уйғонган куртак мисоли
Онгу идрок сиздан топди зиёлар.
Сиз боис миллатнинг авжу камоли
Сиз боис дунёга келар даҳолар.

Устои аввалсиз, комил ва мумтоз,
Сиз улуг муаллим, мураббий, устоз!

Ватанга садоқат — биринчи сабоқ,
Истиқлол туйғуси ёт йўлин тўсар.
Сизнинг қўлингизда манглайи порлоқ
Беруний, Хоразмий, Синолар ўсар.

Зако осмонида сиз йўлчи юлдуз,
Сўзингиз ҳикматдир, ўзингиз ибрат.

Ёшлар бахт кучмоғи учун шубҳасиз,
Кучли ва билимли бўлмоғи ҳам шарт.

Илму урфон йўли ўзбегимга хос,
Сиз улуг муаллим, мураббий, устоз!

Зулматнинг бағрини тилкалайди нур,
Маърифат инсонга нажот бўлғуси.
Буюк устоз тузган мукамал дастур,
Баркамол авлодга қанот бўлғуси.

Сиз сабаб тафаккур айледи парвоз,
Сиз улуг муаллим, мураббий, устоз!
Устои аввалсиз, комил ва мумтоз,
Сиз улуг муаллим, мураббий, устоз!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАРОРАТЛИ СЎЗ ТАРОВАТИ

Юртбошимиз "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажаққа эътибор" рисоласида ёзувчининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига шундай таъриф берилган: "Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагига, дунёқарашига бўлаётган ўзгаришларни ҳамроҳлаб аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан". Бугун мамлакатимизда ёзувчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор туйғайли улар ижтимоий-маънавий ҳаётнинг илғор сафларида фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда юз бераётган улугвор ўзгаришларни, замонадошларимиз кайфияти, орзу ва интилишларини ўз асарларида тасвирламоқда. Уларнинг қаламидан тўқилган ҳароратли сўзлар халқимиз кўнглига файзу тароват бахш этмоқда. Адабиёт ихлосмандларининг китоб жавонлари янги асарлар билан тобора бойи-моқда. Ёзувчилар уюшмаси қошида очилган "Ижод" китоб дўкони ва Уюшма кутубхонаси, шунингдек, бошқа маърифат масканлари, ахборот-ресурс марказларида янги китоблар тақдимотлари, ёзувчи-шоирлар билан адабий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири таниқли шоира Энахон Сиддикованинг яқинда "Адиб" нашриётида чоп этилган

Тақдимот

"Сўз устидаги дунё" сайланмаси тақдимотида бағишланди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али очиб, ҳозирги адабий жараёндаги янгиликлар, мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган энг яхши бадий асарлар танловларида уюшма аъзоларининг фаол иштироки, бир қатор пешқадам ижодкорларнинг ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, бу адабиётимизнинг тобора ривожланаётганининг мисоли экани ҳақида гапирди. "Энг улуг, энг азиз" танлови голиблари асарларининг ичи-

да Энахон Сиддикованинг ҳам "Сўз устидаги дунё" сайланма китоби борлиги бежиз эмас. Истеъдодли адиблар битган яхши китоб доимо ўқувчилар ва мухлислар эътиборида бўлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов, Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари Мавжуда Ражабова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ва бошқа ижодкорлар Энахон Сиддикованинг ижоди ва жамоат ишларидаги фаолияти, ёш истеъдодларни рўёбга чиқариш борасидаги жонқуярлиги, "Сўз устидаги дунё" китобининг мазмун-мундарижаси ҳақида сўзладилар.

Ахборот хизмати

Билдириш

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Мажлислар залида ҳар ҳафтанинг чоршанба кuni соат 15.00да ёш ижодкорлар учун "Онажоним — шеърят" тўғраги фаолият юротади. Шу йилнинг 8 октябрь кuni соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан адабий учрашув ўтказилади. Барча қизиққан ёш ижодкорларни таклиф этамиз.

Ҳар ҳафтанинг сешанба кuni соат 14.30да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Мажлислар залида сахна ва экран драматургиясига қизиқувчи ёш ижодкорлар учун "Драматургия" ижодий семинари иш олиб боради. Ёш ижодкорларни ушбу ижодий семинарга таклиф этамиз.



"ҲА ҚИШИКИМ, ТУЗЛУК ЭРУР ШОН АНГА"

Алишер Навоийнинг "Ҳазойин ул-маоний" қуллиётидаги кичик лирик асарларнинг муайян қисмини қитъалар ташкил этади. Уларнинг сони салмоқли, мазмунини теран, мавзу эътибори ила ўта муҳим ахлоқий-тарбиявий, маърифий-эстетик масалаларга бағишланган. Улуғ шоир ўзидан кейинги замон ижодкорларига ибрат намунасини кўрсатган. Мазкур фикрни сўз даҳосининг бир қитъаси мухтасар таҳлили орқали далиллашга уриниб кўрамиз.

Тузлуққа мойил ўлки, ишинг борғай илғари,
Юз мушкул ўлса, йўқса, минг оллингга ҳар замон.
Юз саҳфа бир қалам бирла котиб килур рақам.
Минг қўйни бир асо била ҳар ён сурур шубон.

Қитъада Навоийнинг баркамол инсон ахлоқи ҳақидаги фикр-қарашлари ўз ифодасини топади. Ундаги "тузлуқ" сўзи замирида улугвор ҳақиқат мужассам. "Тузлуқ" мумтоз адабиётда бир неча маъноларда қўлланилган: инсон таъби, табиғатига нисбатан ҳалоллик, ростгўйлик ва поклик; йўл, дашт ёки кўзгуга нисбатан текис, тўғри; таомга кўра шўр, нордон, шунингдек, нисбатан дала маъносига келади. Тузлуқни туздан фарқлаш лозим. Аммо ҳар икки сўзнинг ўзига бир хил: туз. Қитъада шоир

сўзнинг асосий, бирламчи маъносини, яъни поклик, ҳалоллик, тўғрилик ва ростгўйлик маъноларини назарда тутган.

Тузлуққа майл қўйсанг, дея ўғит беради шоир, ҳар қандай ишинг ўғиндан келаверади. Ҳавф-хатар ва шубҳа-ғумондан йироқ бўласан. Олдинда юз хил, ҳатто минг хил мушкуллик бўлсин уни енгасан. Демак, улуг шоир наздида софдиллик ва ҳалоллик кишини ҳар қандай оғир ва чигал вазиятдан қутқазувчи асосий ахлоқий мезонлардандир.

Қитъанинг иккинчи байтида ҳам поэтик муддао ҳаётини мисол воситасида далилланган. Гўё қалам тўғри, яъни тик бўлгани боис у билан котиб юз саҳифа ёзади. Чўпон биргина тўғри тағи билан минглаб қўйларни бошқаради. Бу ерда гап чўпон тағининг тиклигига ёки саҳифа ва қўйлар сонига эмас. Иш қуролларининг тўғрилиги шакл масаласи, холос. Уларни ҳаракатга келтирувчи шахсларнинг маънавий дунёси, ўзлари ҳам яроғлари сингари тўғри, яъни поклик ва ҳалолликка амал қилувчи инсон бўлишлари лозимлиги ҳақидаги бадий ҳақиқат — етакчи мазмундир.

Абдурахим ПИРИМКУЛОВ,
филология фанлари номзоди

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида Мустақиллигимизнинг 23 йиллик санасига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Не-не улуг зотларнинг излари, ўтли нафаслари ҳо бўлган бу табаррук даргоҳ байрам баҳона миллатимиз адабиётининг катта саноатлари, бепоеъ Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган қаламкашларнинг хуш дийдоридан янада яшнаб кетди. Меҳмонларга тўкин дастурхон ёзилиб, Ўртбошимиз фармони билан Ватанимизнинг олий мукофотларига сазовор бўлган шоир адиблар муборакбод этилди. Истиқлол шарофати билан ижод аҳлининг заҳматли меҳнати рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган "Ватан учун яшайлик!" аъ-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида адабиётнинг қиммати миллатнинг тақдири, унинг эртанги истиқболи билан баробар баҳоланди. "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" деган даъват жамият ҳаётининг устувор тамойиллари қаторидан ўрин олди. Ўз навбатида, ижодкорлар ҳам мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий жараёнларнинг фаол иштирокчисига, тарғибот ишларининг жонқуярига айланмоқдалар.

Юқоридаги эътибор ва эътирофларнинг амалий тасдиғи сифатида мамлакат бадий ижод аҳлини бирлаштирган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мақоми янада юксалди. Азозларнинг саломатлигини доимий назарда тутиш ва мустаҳкамлаш борасида уюшма поликлиникаси жаҳон андозаларида қайта

ёшлар учун Дўрмонда ҳар йили икки бора ўтказилаётган "Истеъдод мактаби" семинар кенгашлари чинакам илҳом сарчашмаси, қутлуг дарсхона, улуг ижодхона вазифасини ўтамоқда.

Бу муборак гўшада мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида ҳар бир вилоятдан ўттиз нафардан ёш қаламкашларни чорлаб, уларнинг бутун умрига татиғулик унутилмас ижодий учрашувлар ташкил этилди.

Мен ҳам ҳоразмлик ёшларни бошлаб келдим. Дастурда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов хонадонига ташриф ҳам белгиланган экан. Буни эшитган Дадахон исми яхшироқ боламиз — халқро болалар ижодиёти фестивалининг бирваракайига уч йилги совриндор — кечаси билан ухломмай, тонг отиши ҳамоно устознинг ҳовлисида оши-

қолди-ку", — дея қулиб қарши олдилар. Дадахон устозга "Суянинг бир томчисига тўйар ахир чумоли" деган сатрлар билан яқунланувчи шеърини ўқиб бераётган экан!"

Устознинг сўзларидан кўларим қирғоғига сизиб чиққан намни ҳис этдим. Туйғуларимни сел қилган ифтихор, ададсиз шукрона дилимдан эшилиб оқа бошлади: юрағида заррача истеъдод учқуни бўлган фарзандларига йўл очиб берган Истиқлолим, шарофатларинг, шафотларингдан айланай...

Бади

Машқларим талабалигимда, уюшманинг вилоят бўлимида ижобий баҳоланиб, нашрга тавсия этилган эди... Насиб экан, биринчи китобим истиқлолнинг иккинчи йили ўттиз икки ёшимда чоп этилди. Унинг сўзбошида устозим Матназар Абдулҳаким шундай ёзган эдилар: "Биз бу китобни узоқ кутдик... Аввало, шоиранинг ўзлари, қолаверса, ноширлар мушқат эдилар бизларни. Қоғоз танқислиги боис шоира кўлэмалари турли наشريётларда сарғайиб ётди..."

Бугун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" фонди маблаглари ҳисобига ҳар йили ўндан ошқ ёшларимизнинг илк китоблари юз минглаб нусхаларда чоп этилиб, мамлакатнинг барча ўқув даргоҳларига бепул тарқатилаётгани — Истиқлол йилларида истеъдодли ёшларга курсатилётган ғамхўрликларнинг энг муҳим жиҳати, ижод оламида биз етиб келган марраларнинг ҳақиқий инъикоси эмасми?

Ай, шоири замоним, қаранг-а, ким эдигу, ким бўлдики!...

Мен ҳам бу сўзларнинг замирига яширинган ҳосиятни, нуқтадон халқимиз фазилатларидаги лутфини, фахру гурур рамзидиғи самийи ишоратни дилдан англаб, ўзимда йўқ қувондим: Озод Ватанини, нузли Истиқлолу, ёруғ Истиқболни алқайдиган замоннинг келгани-да бу! Қалам аҳлининг пешонасига битилган буюк саодат, мунаввар толеннинг қулгани-да бу!

Хур давронлар бизникидир, огоҳ бўлсак замондош, Дил тубига қадаб қўйсак Мухаббатнинг яловин. Ахир қара, бизни яна хуррам ошёнлар кутар, Шодликларнинг сабабчиси, армонларнинг гарови. Истиқлолнинг довларини бирма-бир забт эттаймиз, Бу кунларнинг шухратини авлодларга элттаймиз.

Гард қўнмаган нилуфардек тиниқ бўлмай осмонлар, Кўнгилларни тарқ этмагач Ватан меҳри, ишқ, баёт. Бу заҳматкаш жаҳон кўкси эзгуликдан тоғ бўлмай, Тўзим недур, билмагач Ер, тўзим билмагач Ҳаёт. Ёруғ кунлар ёди билан қақнаб юргай ҳар юрак, Мен жар солгум бу дунёга: хуш айёмлар муборак!

Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Хоразм вилоят бўлими раҳбари

Ёднома

АДАБИЁТГА САДОҚАТЛИ ЭДИ

Умрини илм ва мураббийлик ишига бағишлаган филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расулов дилкаш, танти, бағрикенг, ҳамкасбларига, айниқса, шогирдларига меҳрибон инсон эди. Устознинг Дўмбиробод маҳалласидаги мўъжазгина ҳовлисида олим адибларнинг оёғи узилмас, бу файзли хонадон ёш адабиётшунослар учун ўзига хос маърифат масканига айланган эди.

Абдуғафур Расулов 1937 йил 1 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, ЎзМУ (ўша пайтда САГУ)нинг филология факультетида таҳсил олган, меҳнат фаолиятини дастлаб Қарши давлат педагогика институтидида бошлаганди. 1968 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси ва журналистика факультетларида ёшларга адабиёт сирларидан сабоқ берди. Илму ижод умрининг мазмунига айланган олим 1966 йилда филология фанлари номзоди, 2002 йилда эса фан доктори бўлди. Адабий танқидчилик борасида ўз овозига эга ижодкор сифатида танилди. Бундан бир неча йил бурун атоқли адиб ётшунос ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримуқул Қодиров шундай деган эди:

— Нозиктаб мунаққид Абдуғафур Расуловнинг энг ажойиб фазилатларидан бири — юксакликка қараб интилишидир. Баъзи кишилар "фалончилар мендан пастроқ-ку", деб ўзини ўзи овутиб юради, бу билан ўзича таскин топади. Пастга қараб тўн бичган одам ҳеч қачон юксакликка эриша олмайди. Абдуғафур Матёкуб Қўшжонов, Озод Шарафиддин, Илм-маърифат боғининг фидойи боғбонларидан бўлган Абдуғафур Расулов ҳамкасблари, шогирдлари ва мухлислари қалбида барҳаётдир.

Абдуғафур Расуловнинг юзлаб илмий-оммабоп мақолалари газета-журналларда, тўп-



ламларда босилди. "Танқидчилик уфқлари", "Олим ва таржимон", "Илми ғарибани кўмсаб...", "Истеъдод ва эътиқод", "Танқид, талқин, баҳолаш", "Янги замон — янги қаҳрамон", "Озод Шарафиддин", "Ўзбек прозасининг қамоли", "Бадийлик — безавол янгилик", "Бетакдор ўзлик" сингари илмий, оммабоп китоблари ўзбек адабиётшунослиги ривожига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Устознинг илмий раҳбарлигида кўплаб ёш тадқиқотчилар изилниш олиб бориб, диссертациялар ёқлашган.

Умрининг сўнгги кунларида ҳам у бўлғуси фан докторлари — ёш тадқиқотчиларга илмий раҳбарликни давом эттирди. Саксон ёшни қаршилаётганига қарамай устоз ижоддан тўхтамас, тахририятларга пешнапеш мақолалар жўнатарди.

Умрини илм ва ёш авлод тағлим-тарбиясига бағишлаган олимнинг меҳнати вақтида кадрланди: 2003 йили у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи", 2007 йили "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" унвонлари билан тақдирланди.

Инсон вақт-вақти билан босиб ўтган ҳаёт йулини, амалга оширган ишларини сарҳисоб қилиши азалий одат. Дарҳақиқат, домла бутун умри, фаолияти давомида адабиётга садоқатини намоён этган фидойи инсон эди.

Илм-маърифат боғининг фидойи боғбонларидан бўлган Абдуғафур Расулов ҳамкасблари, шогирдлари ва мухлислари қалбида барҳаётдир.

Тўлқин ЭШБЕК,
филология фанлари номзоди

ХУШ АЙЁМЛАР МУБОРАК

анавий танлови голибларига дипломлар ва пул мукофотлари тақдим этилди. Байрам даврасида ўтириб, қалбини чулғаган ҳаяжону, фахру гурурни, дилимни жунбўшга келтирган туйғуларимни Сиз билан баҳам кўргим келди, азиз ўқувчи!

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ НУРЛИ ТОПЕ

Мустақиллик сўзимнинг беағи эмас, у ич-ичимдан силқиб, вужудимни орзиқтириб, дилдан тилга қалқадиган муқаддас шукронам! Шукронани эса, шунчаки, тил учиди айтиб бўлмас, уни юракдан, муқаддас калом янглиғ пичирлаб, шивирлаб айтмоқ ярашқилдир. Бу каломни тилга олар эканман, дилим ойнасида бир савол балқийди: "Мустақиллик — нима ўзи?"

Хаёлларим жафокаш адабиётимиз саҳифалари бўйлаб сафар бошлайди.

Тарих гилдираклари аёвсиз айланиб, ҳўлу қуруқни баравар ёндирган ақин ўтмишда турмуш ўртоғи Саид Аҳмаддан "воз кечса, катта имконлар ваъда" қилинган Саида оланнинг ҳасратли қароғи, шикаста овозидаги бўҳроннинг, исённинг исми Мустақиллик эмасмиди?

Адабиётда Султон Жалолиддин сиймосини яратгани учун таъкибу тазйиқларга маҳкум этилган Сайхондорнинг бошига тушган қаро кунлар заволини қайси тошу қай тарозу билан ўлчаш мумкин?

Ёза туриб, хонтахтага бош уриб: "Қумуш ўлди!" — дея бўзидан дод отилган Қодирийнинг сабил қолган истеъдоди, муҳаббат осмонидан порлаган юлдуз — Чўппоннинг фарёди эмасми, Мустақиллик?

Тўмарис юрагини шер қилган, Широқни чинакам эр қилган туйғу — қалб иймони эмасмиди у?

Билмадим, менинг билганим шу, англаганим шу: Мустақиллик — буюк аждодларимнинг юрағида дард тугиб ётган армонлар ҳомиласидан тугилган энг нузли тақдир — Истиқлол! Ва бу толеннинг бизга насиб этганига йигирма уч йил тўлди! Мустақиллигимиз ижодкори —

бунёд этилиб, энг замонавий тибиёт усқуналари билан жиҳозланди. Ижод аҳли ҳар доим талпиниб, соғиниб келадиган гўзал ошён — Дўрмон боғи мукамал таъмирланиб, шоир адибларга, айниқса, ёш истеъдодларга бағрини кенг очди. Ва бу гўшада бугунгидай тантаналарни ўтказиш эзгу аънамага айланиб қолди...

Байрам тадбири ўрталаган пайт... Ҳофизларнинг хонишу замзамалари авж пардаларга кўтарилганда уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, қутлуг байрам арафасида давлатимизнинг "Эл-юрт ҳурмати" орденига мушарраф бўлган устоз Мухаммад Али тантананага ташриф буюрган ҳар бир меҳмон билан алоҳида сўрашиб, уларга байрам совғаси улаша бошлади. Совға — қутлуг сана муносабати билан уюшма томонидан чоп этилган янги китоб — тандирдан узилган нондек тансиқ неъмат экан. Миннатдорлик ва иккинчи бир иштиёқ билан қўлга оларканман, китоб номининг ўзбекча ҳаёлимни яна узоқ-узоқларга бошлади:

"КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК"

Қўлига қалам олиб, адабиёт бўстони-га қадам қўйган ҳар ижодкорнинг орзу-си — "Дўрмон"... Бу орзуманд масканда бундан роса ўттиз икки йил муқаддам ёш ижодкорлар анжуманида иштирок этгандим. Шеърларим муҳокамасига қатнашган устозлар сўзини: "Бу қизимиз анжуманимизнинг энг ёш иштирокчиси экан", деб бошлагани ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда институтнинг охириги курс талабаси, йигирма икки ёшда эдим...

Истиқлол бахш этган бебаҳо имконлар саодатидан баҳраманд бугунги



қибди. Тасодифни қарангки, устоз ҳам эрта саҳарда уйғониб, ҳовли айланиб юрган эканлар. Ногоҳ қўча эшиги тақиллаб қолди. Очсалар, бир кичкина болакай: "Мен Хоразмдан келган шоирман", деб турганмиш...

Бошқа болаларни бошлаб борсам, устоз сўрида Дадахон билан гурунлашиб ўтирибдилар. Мени кўриб: "Гавҳарой, бу боланг донишманд чиқиб



АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтимиздаги "Турон" кутубхонасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Мухаммад Али билан ижодий учрашув бўлди. Тошкент вилоятидаги кутубхоналарнинг мутахассислари, талаба-ёшлар ва адабиёт мухлислари иштирок этган тадбирда адабнинг ижодий йўли, асарларнинг мазму-мундарижаси, адабиётимизда соҳибқирон Амир Темур сиймосини яратишдаги беқиёс хизматлари ҳақида сўз борди. Жонли мулоқот тарзида ўтган учрашувда шоир Рустам Мирвоҳид, шунингдек, Бахтиёр Ҳайдаров, Неъматжон Акбаров ва бошқа мухлислар сўзга чиқиб, адибнинг яқинда "Шарқ" нашриёти томонидан чоп этилган "Улуғ салтанат" тетралогиясига кирган "Жаҳонгир Мирзо", "Умаршайх Мирзо", "Мироншоҳ Мирзо", "Шохрух Мирзо" китоблари, шунингдек, "Замондошим портретига чиғилар" тўпламида жой олган бадий очеркларни мутолаа қилиш жараёнида тугилган фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Учрашув қатнашчилари саволларига жавоб бераётган, адиб асарларининг ёзилиш тарихи, улуг аждодларимиз ҳаётини кенг қамраб олган йирик асарлар ёзишга даъват этган маъ-

навий эхтиёжлар ҳақида сўзлаб шундай деди: — Дунё аҳлини бахтли қилмоққа бел боғлаган Соҳибқирон ўз фарзандларини бахтли эта олдимки — мана шундай инсоний муаммолар диққатини ўзига жалб қилди. Буни тадқиқ этиш тарихининг эмас, адабиётнинг вазифасига кирди... Адабиёт аҳлига бўлаётган бугунгидай юксак муносабат ҳеч бир даврда бўлган эмас. Буни билишимиз ва қадрлашимиз, ишонч ва мақтовлардан ҳаволанмасдан изланишда давом этишимиз керак. Йиллар мобайнида мен Амир Темур бобомизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, улуг Соҳибқироннинг "Ўтган ишга ўқинмайман, ютуқлардан шодланмайман" деган пурмаъно сўзларини эслаб туриш кони фойда эканлигини тўлиқ англадим. Бобомиз айтган фикрлар, ўйлайманки, барча инсонлар ва замонлар учун қадрлидир.

Учрашув якунида адиб ўзининг "Улуғ салтанат", шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган ўзбек адабиётининг мустақиллик йилларидаги антологияси — "Озод Ватан саодати", "Ким эдигу ким бўлди" ҳамда бошқа китобларни кутубхонага тўхфа қилди.

Мактабда ўқиб юрган кезларим Республикаимизнинг деярли барча газета-журналларига мактуб ёзардим. Дадасини ишдан қайтишини интиқ кутган қизалоқ сингари ҳар лаҳзада кўчага термулар, қишлоғимиздан ким қанақа газетая буна бўлса бориб ўқир, бирор нима чиқдимки деб ҳаяжонланардим. Ниҳоят бир кун менга олис, лекин бахтиёр келажакни ваъда қилган мактуб келди. Неча марта ўқидим, эсимда йўқ. Бироқ ёдлаб олдим. Кейин

бўлажақ учрашувга тайёрлана бошладим. Мухаббат Ҳамидованинг ҳикоя, мақолаларини ўқигандим. Тили ширин, доим яхши ва ақли қаҳрамонлар яратди. Опа, десамми? Йўқ, дугона дейман. Ха, шундай дейман. Бир қанча сўзларни ёдлаб олдим. Айтадиган гапларим беҳад кўп эди.

Бир кун онам қўлимдан тутиб Тошкентга олиб қўнади. Жингалак соча, узун қўйлаб, ҳаганида қизча... Ўшанда ўн тўрт ёшда эдим. Онам қўлимдан етаклаб, истироҳат боғидами, китоб дўқонигами, кийим бозорию яна алла-

қандай жойларга олиб борди. Катта шаҳарга ташриф ҳеч қачон унутилмайди. Ҳозир ҳам орадан тўрт-беш йил ўтиб, ўшанда айнан қайси истироҳат боғига борганимизни, онам мени кимлар билан таништирганини-ю, яна қаерларга олиб борганларини аниқ-тиниқ хотирлайман. Аммо шундай нар-

МЎЪТАБАРА УСТОЗ

са борки, уни бутун умр эслаб юраман, ёдимдан чиқаролмайман. Бу — ўн тўрт ёшли қизчага бағрини очган, меҳр улашган, юрағига учқун солган "Гулхан"дир!.. Мен сеvimли журналимни ҳеч қачон унутолмайман. Айниқса, менга оналарча меҳр бериб устозлик қилган Мухаббат орани... Опа менинг ҳаётимда катта ўзгариш ясади. Мен ўзим учун "Гулхан"ни қайтадан кашф этдим, "Гулхан" эса мени...

"Гулхан"... Жажжи юрагимга улкан орзуларни гуллатган қадрдон журнал. "Дугонам" билан учрашдик. Онам тенги аёл

худди волидамдек ширинсўз экан. Уялиб кетдим. Мен уни ёзган асарларига қараб дугона, деб юрибман-а. Менга нималар дегани, қандай жавоб берганим эсимда йўқ. Ёдимда қолгани: Сени узоқ кутдик, Юлдузой. Эҳтимол шу чорлов менга далда бўлгандир. Мен нимагаки эришган бўлсам, аввало, "Гулхан" ва Мухаббат опага раҳмат айтаман.

Бир дарахт бор экан. Ҳар тонг опоқ бўлиб гуллар, кечга бориб эса шоҳида бит-таям гул қолмас экан. Чунки унинг гулларини минглаб асаларилар олиб кетишаркан. Устоз ҳам худди шу дарахт сингари гуллайди. Шу азим дарахтдай бизга гулини — илмни илинади, ўргатади, бошимизни силайди, керак бўлса, ота-онамиз сингари меҳр бериб ардоқлайди.

Азиз устоз! Бугун байрам. Эзгу тилалар айтиладиган кун. Байрамингиз муборак бўлсин!..

Юлдузой ЎРМОНОВА
Жаҳон тиллари университети
талабаси, Зулфия мукофоти соҳибаси

ХОНДАЙЛИҚИЙ МЕРОСИ

Бўстонлик туманининг Хондайлик қишлоғида Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 130 йиллигига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди. Сидқий Хондайлиқий ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишда хикмат кўп. Чунки Ватанин севиш, фахрланиш, тугилиб ўсган юртнинг шухратига шухрат қўшиш,

доимо эл-юрт хизматида бўлиш, меҳнатсеварлик ва қатъият каби хусусиятлар шоир ҳаёти ва ижодининг асосини ташкил этади. Эл-юрт ва миллат дардини кўйлаган, маънавият ва маърифатга хизмат қилган зотлар хотираси одамлар қалбида мангу яшайди. Сирожиддин ибн Мирзоҳид

Охунд — Сидқий Хондайлик айна шундай сиймолардан бири. Шоир адабиётнинг деярли барча жанрларида баъракали ижод қилган. Моҳир таржимон сифатида араб ва форс тилларидан кўплаб дурдона асарларни ўзбек тилига ўйирган.

Тадбирда таникли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос

олимлар, Хондайлик қишлоғида яшовчи зиёлилар Сидқий Хондайлиқий мероси ҳақида сўзлаб шоир шеърятидан намуналар ўқидилар. Мактаб ўқувчилари ва туман бадий ҳаваскорлари томонидан тайёрланган дастур намоиш этилди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Тадбир

Мавсума МАНСУРОВА

ШЕЪР СЕЪРИ

Шеър сеъри дилимни айлағайдир ром,
Сўзининг оҳангидан оламан ором.

Гоҳо шеър сирини тинглайман бедор,
Гоҳо ўз сирини айлайман изҳор.

Гоҳида дарду ғам берар юракка,
Гоҳо қўтарали мени фалакка.

Яқин дўстингдан ҳам яқин экан шеър,
Гоҳ олов, гоҳ яшиш, қақин экан шеър.

Айб қилсанг, у сени хафа қилмайди,
Шеър билан сирлашсанг, ҳеч ким билмайди.

Дуч келдим яхшию ёмон сифотга,
Шундан мухлис бўлдим адабиётга.

Шеър гоҳо кўзимнинг ёшин артди,
Менинг бу ҳаётга меҳрим ортади.

ДАРАХТЛАР

Дарахтлар кўрсатиб саховат, ҳиммат,
Олтинларин сочи заминга бу дам.
Медалларин берди жонидан қиммат,
Ечиб берди яшил либосларин ҳам.

Изирин шамоллар елди ногаҳон,
Бўронлар тун бўйи улиди узун.
Табиатнинг ўзи бўлди меҳрибон,
Дарахтлар этнига қийдирди оқ тўн.

Боғларнинг бағрига беркинган ҳаёт,
Дарахт илдирида тириклик нўҳон.
Баҳор келиб қушлар қуйлади баёт,
Барг ёзди, гуллади дарахтлар чунон.

Боғлар тўн қийдилар ям-яшил, зангор,
Қалдига ярашди нафармон қабо.
Гўзал қиз мисоли яшнади баҳор,
Гуллар ифориини таратди сабо.

ЎҚИТУВЧИЛАР ИЖОДИДАН



СОҒИНЧ

Дунё яримта ой мисоли кемтик,
Бир кам дунё сенсиш яна ҳам камдек.

Тунлар беҳаловат кутаман бедор,
Кундуз ҳижронингдан бўламан бемор.

Кутаман неча кун, на хабар, на хат,
Соғиндим қалбимда қолмади тоқат.

Олисдасан, сенга қилурман вафо,
Наҳот вафо учун муқофот — жафо.

Кунларнинг карвони ўтмоқда оғир,
Кун сайин ўт бўлиб ёнмоқда бағир.

Мавсума МАНСУРОВА 1961 йили Ангрен шаҳрида туғилган. Тошкент Автомобил йўллари институтида таҳсил олган. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 28-умумий ўрта таълим мактабида директор ўринбосари бўлиб ишлайди.

Шамоллар келтиргай гулнинг ифори,
Лекин гул не қилсин соғинса ёрин?

Тонгда тушларимни сувга сўзлайми?
Оқшом дардларимни елга бўзлайми?

Дунё яримта ой мисоли кемтик,
Бир кам дунё сенсиш яна ҳам камдек.

ОРАСТА ҚИЗЛАР

Ҳақиқий гўзаллик орасталикда,
Хусн — ақлу зақога вобасталикда.

Ораста қиз гўё пари, фаришта,
Ҳар ишда, ҳар жойда доим саришта.

Дилин шод айлашсиз ширин сўз билан,
Хушини ўйрайсиз оху кўз билан.

Гоҳо қиличдан ҳам ўткир тилинғиз,
Мўъжиза яраттай чевар қўлинғиз.

Рўзгорининг файзи сиз, уйнинг давлати,
Хотинсиз қуруқдир эрининг савлати.

Ақл билан йўқни йўндирган ҳам сиз,
Бошга бахт қушини қўндирган ҳам сиз.

Сизда барча яхши хислат, фазилат,
Шу боис барчага ўзингиз ибрат.

Ўзбек миллатининг камоли сизда,
Ақлу хуши бирла жамоли сизда.

УСТОЗГА

Ўз-ўзига ширин экан инсон жони,
Гоҳ сомондин арзон экан буюдой дони.
Ўз касбига жонин фидо қилмаса ким,
Бўлармикин ҳалол топан ошу нони.

Устозларга минг бор қуллук, минг эҳтиром,
Бани башар борки айлар иззат-икром.
Инсонлар бор экан сиздек олам аро,
Қуёш қулиб чиқар ҳар тонг бериб салом.

Меҳрингиздан гулгун яшнар кексаю ёш,
Гул туттаймиз, Сизни гулга айлаб қиёс.
Не ажабки, олар бўлса гул андоза,
Шак-шубҳасиз сиздан олар эди Устоз!

ЮРТ МАДҲИ

Гўзал юртга ярашар,
Тўй-тантана, виқорлар.

Гўзал юртда яшагай,
Бахтиёр, бахти борлар.

Шу юртда униб-ўсдим,
Шудир бахтимнинг бори.
Тўрт тарафга қарасам —
Кетар дилдан гўборлар.

Дилимга солган оташ
Тароватинг ўзгача.
Тўрт тараф боғу бўстон,
Тўрт тарафда гулзорлар.

Юртсевар эрка элим,
Қутлуд бўлсин тўйларинг.
Мадҳингни қуйлаб келдим,
Айтиб қўшиқ, алёрлар.

Муҳаммад УМАР



Ҳақ назар этмаса эл,
Шунчалар яшнармиди?
Истиқлол халқимизни
Айлади бахтиёрлар.

Ҳар гўшада тўй, базм,
Бахтли ёшлар овози,
Тарк этмасин юртимни
“Омон ёр” лар, “Ёр-ёр”лар.

КЎЗЛАРИНГ

Кўзларинг кўзимга рўшнолиғ этмас,
Ё кўнглинг кўнглимга ошнолиғ этмас,
Ҳолимни сўғали келмайди ҳолинг.

Жонимни жонингга пайваста қилдим,
Қалбимни ишқингга гулдаста қилдим,
Гулимга ранг берар лабдаги олинг.

Лабингга маҳлиё қараб қолдим мен,
Қуйингга минг қуйга ўзини солдим мен,
Ўртагай дилимни лабдаги болиг.

Юрибман ўзимдан бегона бўлиб,
Васлингга етолмай паймона тўлиб,
Шунчалар гўзалки сенинг ҳаёлинг.

Ой чиқса сеники, кун ҳам сеники,
Бўғзимдан чиққан оҳ, ун ҳам сеники,
Жонга жон бахш этар ҳатто малолнинг.

Эй гулим, сендан шу ёлғиз ўтинчим,
Тунлари тўшимда бузмагини тинчим,
Ё насиб этмагай тушда висолинг.

Ошиғи зорингга шарофатинг йўқ,
Муҳаммад Умарга шафоатинг йўқ,
Ҳатто мен томонга эсмас шамолнинг.

Муҳаммад УМАР 1965 йили Бешариқ туманида туғилган. Низомий номидаги педагогика университети таълим олган. “Муҳаббатим эртасинг”, “Нигорим”, “Шабнам”, “Эй, ишқ” номли шеъррий тўпламлари чоп этилган. Айни пайтда мазкур университетда талабаларга таълим бермоқда.

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

ТАЪЗИМ

Одам ерин макон тутгандан бўён
Олган устозларнинг хўп таълимини.
Ой, қуёш муларрис, мураббий жаҳон,
Кун ва тун энг кўҳна дорилфунуни.
Шаксиз шамс ва қамар буюк мураббий,
Лек ғамхўр бўлолмас улар сиз каби.

Бепоен чўллару саҳрода йитиб
Кетмоқлик даҳшатин қарвонлар билар.
Йилт этган юлдузнинг ёғдусин қутиб,
Илҳақ ишқинг бахти юлдуздек қулар,
Зухро ҳам одамга шаксиз муаллим,
Лек сиздек меҳрдан беролмас таълим.

Фасллар алмашар беришиб сабоқ,
Жазирама, совуқ, ёмғирдан, қордан.
Қуллу мавсумидан ғам фасли узоқ,
Қўнтил водийсида ҳаёт — баҳордан.



Фасллар анжуман қургайлар — базм,
Қишда наср дарси, Баҳорда назм.

Йиллар залворидан чехраларда из,
Синовлар орқали олар имтиҳон.

Эзгулик букилар, лекин букмас тиз,
Йилларга толибдур ошфута бу жон.
Умр ҳам устоздир турфа фанлардан,
Яхшилиқни сиздан ўрганад одам.

Майса ва қушлардан уққанларим бор,
Садокат, вафони, муҳаббатини ҳам.
Капалак эмасдир сиздек ғамгусор,
Энг олий туйгулар фақат сизда жам.
Табиат одамга устоз азалдан,
Лек сиздек жоннисор бўлолмас у ҳам.

Устозлар, тоғлар — тоғ, буюклар — сизсиз,
Дунё минбариди соҳибни билим.
Ҳаётим сиз ёққан ёруғ, нурли из,
Узоқмасан балки бир умр қаршим.
Қаршингизда толиб башар ҳам ҳамон,
Боқийлиқни сиздан ўрганад жаҳон!

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА 1971 йили Қорақалпоғистон Республикасида туғилган. ЎЗМУ рус филологияси факультетини таълим олган. “Келдингми, баҳор”, “Жайхун чечаси”, “Зангори шамоллар” номли шеъррий тўпламлар муаллифи. Беруний туманидаги 61-умумтаълим мактабида рус тилидан дарс беради.

КИМДИР

Мен баҳорга энтикдим,
Юрагимга гул тикдим.
Қачон келар экан деб,
Ҳар кун манглайда қафтим.

Ҳар бармоним букканда
Тўкилибди қушларим.
Мен кимидир қутганда
Унуттибди қимларим.

Ҳаёт ўзи шу экан —
Кимни деб умринг ўтар.
Кимдир букиб бармонини
Умрбод сени қутар...

*Бинафша, сен учун — кўкрагим эрк ери,
Бу ердан кўкракка учгил!*

ЧЎЛПОН

...Лекин у, ана шундай ижодкор,
ёзишни ҳаётининг бирдан бир мазмуни,
деб билган ёзувчи бирдангина
ёзмай қўйди. Худди бир вақтлар
кутилмаганда ёзишни бошлаб юборган
каби...

Ваҳоланки, у юртда ҳам, дунёда ҳам
жуда машхур ва энг кўп қўйиладиган
ижодкорлардан эди. Қолмишига,
ўзининг энг катта китобини, ҳаётининг
бош асарини, юрагининг шоҳбайтини ёзишга
ҳозирлик кўраётганди. Овоз чиқариб
бировга айтмаган эса-да, ўзича
“Мазкур асарим билан ер қуррасининг
теран мулоҳазали, ҳассос қалбли,
ўткир зехли инсонлари қалбига энг тансиқ
олам янглиғ кириб бораган ҳамда шу
янглиғ дунёнинг равишига таъсир қиламан,
уни янгилайман”, деб ўйлаб юрган эди.
Лекин... лекин ўйлар ярим йўлда қолди.
Нима бўлди ўзи? Қандай оламшумул
ходиса рўй бердики, қаҳрамонимиз
онадан қайтадан туғилган каби ўзгарди-
қолди, илқидай еру кўкка инонмайдиган
қаламини синдирди-отди. Ахир, неча-неча
ношир, минг-минг мухлис учун номидан
келадиган ҳар бир сатрга илҳақ бўлиб
ўтиришар эди-ку!.. Наҳотки, ҳаммасидан
бирдангина ва биратула воз кечиш
мумкин бўлса?!.. Бу қандай телбалки?..

...Бир кун бурун юраги торикқанди
ёзувчининг. Ёзиш ҳумори, деб ўйлади.
Ўзи шунақа, ижод тўлғоғи бошла-
наётганда кўксига аллақандай сирли-
сеҳрли, айни чоғда, оғрик аралаш
оғир бир кайфият пайдо бўлади-да,
индамаса, вақт ўтган сари қотиб тошга
айланади. Худди инжиқ болакайга
ўхшайди бу ҳол. Кўнглига қарамасанг,
гап қўшмасанг, нима истаётгани билан
қизиқмасанг, лабини чўчқайтириб,
қовоғини тоғдек уйиб олдингда туриб
оладиган безгина болажонлар бўлади-
ку, худди ўшанақа. Қўлингга қаламу
довот олмагунингча сени тарк эт-

майди бу кайфият.

Ёзувчи қаламу довод — ноутбукини
ёнига — машинасига олдию газни
босиб шаҳардан чиқиб кетди. Одатдагидек,
дала ҳовлисига эмас, йўқ, негадир рулни
бошқа томонга қараб бурди. Кўнглининг
жиловини қўйворгиси келди шу сафар. Ҳа,
нима қилти? Умрининг ярмини тизгинлаб
яшади, энди қолган ярмида юганин салгина
бўшатса, осмон узил-либ ерга тушмас,
ахир!.. Ёзувчи отнинг бошини эркин қўйиб,
унинг салт юришига монеълик қилмаган
чавандоз янглиғ кўнглига озодлик эълон
қилди. Кўнгил эса уни олис-олисларга
олиб кетди. Узоқ йўл босди. Шунчалар
узоқки, асфалт йўллар тугаб, қир-адирлар
бошланди. Шаҳарнинг, тамаддуннинг
оёғи етмаган жойларга боргандагина
тормозни босди. Тушди. Димоғига ер
бағрини ёриб чиққан кўкламоимнинг
илк майсаларидан енгил таралаётган бўйи

Лирик ҳикоя

урилди. Энгашиб бокди. Сўнг қизиқиши
ортиб, чўккалаб ўтириб олди. Бинафша!
У эпкинда ҳафиф чайқаларди. Бинафшадан
кўзини узмай тураркан, миттигина шу
гулнинг но-зикарина елкаларига ортилган
юркан баҳорни қўриб қолди. Кўрдию
юрагининг түб-тубида, жудаям чуқур
бир жойида кимдир уйқули кўзларини
очиб бошини кўтарганини хис қилди...
Ҳайрати ҳаяжонга, ҳаяжони энтикишга
дўнди, бир пас шу қўйи чуқур-чуқур
нафас олиб турди-турди-да, сўнг андак
ховурини босган, қаддини тиклаб кўкка юзланди. Яна-
да кейин эса кимдандир, нимадандир
миннатдор жилмайди...

Уша куни юрт озод бўлди. Ҳамма
кўчаларда хурриятни байрам қилар,
ким қўшиқ-шеър айтса, ким рақсга
тушар, ким нутқ ирод этса, ким тинглар,
ким қулиб-ўйнаб юрса, ким қулиб-томоша
айлар, хуллас, одамлар ўзлариди йўқ
шоду хуррам эдилар. Ёзувчи ҳам улар
орасида ҳаяжонга

тўлиб кезар, нашъу намоси чек-чегара
билмас, ўзи каби бахтиёр одамларни
маҳкам қучиб табриклар, кўзларидан
шошқатор севинч ёшларни қуюлар эди.
Қизга шу янглиғ рўбарў келди. Уни ҳам
кутилмаганда қаттиқ қучиб, ердан
оёқларини узди-да, ҳавода чир айлантириб
яна жойига қўйди, иттифоқо, кўзлари
қизнинг кўзларига қадалиб қолди. Шунда...
шунда нафас олиш бир муддат

Улугбек ҲАМДАМ

БИНАФША

ёдидан кўтарилгандек юзи бўғриқиб-
қизариб кетди ёзувчининг, қиз бўлса
ундаги фавқуллода ҳаяжонни кўриб,
қаҳ-қаҳлаб қулиб юборди. Фақат шундан
кейингина ёзувчи бирдан сув ости-дан
чиққан одам сингари ютоқиб-ютоқиб,
шошиб-шошиб ҳавони симир кетди.
Бунга сари қиз хандон отди. “Кулгулар
камаладек товланади, фақат ранглари
товуш кўринишида!” деди ёзувчи ўз
уйидан сиз завқланиб. Ёзиб қўйиладиган
жумла эди бу унинг назарида. Илгари,
албатта, ёндафтарига қирқарди. Лекин
бу гал негадир ёзмади... Тавба-а-а... —
Исмингиз нима? — Бинафша... —
Бинафша?!.. Жавоб ўрнига қиз яна
ййраб қулди...

Орадан баробарликдаги кунлар,
ойлар ва ҳатто йиллар ўта бошлади.
Лекин фурсат уларнинг муносабати-
га фақат кўр бағишлар, асло акс таъсир
қилмасди. Ёзувчи ва Бинафша турмуш
тавишлари-ю, инсон имконлари маҳдудли-
гини эплаганда енгил, зўр келганда эса
айланиб ўтиб, хуллас, иложини топиб
бирга вақт ўтказишга, узоқ-узоқ, тотли-
тотли суҳбатлар қуришга ҳаракат қили-
шарди. Мавзу — ҳамма нарса ҳақида,
яъни олами сўғодан тортиб, олами
қуброғача. Ўқ тес-

карис — кабир оламдан бошланиб,
зарра оламда нўҳа топарди. Эртасига
эса яна интиҳодан ибтидо куртак ёзарди.
Ёзувчи бир вақтлар ҳамма нарса ҳақида
ҳамма билан жуда кўп гаплашган,
пировардида, ўша ҳамма нарса ҳаммага
қўшилиб жонига тегиблар кетган, бирдан
бир наҳот — узлатга чекинган қўйи олам
ҳақида жимгина ёзиш эди. Дунёнинг
казо-казо руҳшўно олимларидан бири
“оламини ҳокимиятга интилиш инстинкти
бошқаради” деса, бош-

нинг жаннатга эҳтиёжим қолмади! Эҳтимол,
жаннатнинг кўнглимга, унинг шу ҳолига
эҳтиёжи бордир... Тавба, дейман, Бир
Борнинг Ўзи кечирсин, дейман, лекин
кўнглимнинг мавжуд ҳолидан қандай қилиб
юз ўгирай? Қандай қилиб носамимий бўлиш
мумкин? Буларнинг ҳаммасига сабаб —
ишқ! Мен уни гуноҳ, деб қаси “йўқ, уни
жинсий майл ўз ортидан оч итдек эрга-
штириб юради”, дегич эди. Ёзувчи эса
“сўз айтиш ва тушуниш эҳтиёжи — бирламчи”
деб билар, шу боис ҳам тинмай, ҳа, тинмай
ёзар, ўзи тўғрисида оламга шу тарзда
жар солар эди. Лекин у сира қутилмаганда
ёзмай қўйди-ку!.. Ҳа-ҳа, нотўғри ўқимадингиз,
айнан ёзмай қўйди. Кечагина “Менинг
дардим — дунё дарди, дунёники эса
меники”, дер эди. “Фақат бутун дунё
бир бўлибгина дардимни кўтаришга қодир.
Дунё ҳам менинг ёзганларимга муҳтож,
чунки мен унинг юзига сўзларимдан кўзгу
тутаман. Бошқача айтганда, мен унга
ўзи ҳақидаги энг ҳаққоний, энг рост
ҳикояларини айтиб бераман”, деб ўйларди
у. Лекин, во ажаб, Бинафшага дуч келди-
ю, уйлаганлари сароб бўлиб чиқди. Назмининг
елкаларини эзиб қўяди, деб насрда бит-
ганлари ва битмоқчи бўлганлари, ҳазм
қилса, фақат башар ахли бир бутун бўлиб
ҳазм қилади, деб билганларининг барча-
барчаси биргина, ёлғизгина, ожизгина
Бинафшага айтилиши билан эриб битди.
Қалби ҳам шаррос қуйган ёмғирдан сўнгги
дарахт апрогидек тиниқ тортиб яшнади.
Ажаб, ҳўп ажаб!..

“Сени учратганимга қадар ичимда
жаннат соғинчи кезиб юрарди, сенга
дуч келганидан бери эса ме-



ўйламайман. Билъакс, ҳар қанча гуноҳим
бўлса, айнан кўнглимдаги ишқ барчасини
юк-юкигача ювиб тозалайди, деб биламан,
бунга ишонаман. Худди борлигимга, тирик-
лигимга иймон келтирганимдек. Било-
ниҳоя, гуноҳлардан поканиш имкони бор
экан, бу дунё тўғилиш ва яшашга арзийди!
Ҳа, минг бор, миллион карра, чексиз марта
арзийди! Яхшиям сен борсан! Яхшиям мен
борман! Ҳамда яхшиям сену мен — биз
топишдик! Ахир, бир шахарда, ҳатто
битта маҳаллада, айни кўпқаватли уйда
ёнма-ён яшаб ҳам ҳеч қачон бир-биримизни
учратмаслигимиз мумкин эди-да! Мен зоҳирий
учралишни назарда тутмаяпман ва сен
бунини яхши англаб турибсан, албатта.
Бу дунёда ўз ярмини топан инсонлар
нақадар бахтлидирлар ва билъакс,
миллионларнинг ичиди

яшаб ҳам, бир ёстиққа бош қўйиб ҳам
қалбан ёлғиз ўтаётганлар нақадар
ғарибдирлар! Ёнимда сен бор экансан,
менинг ҳаётим ўзини оқлай-веради!
Кўзларим гавҳарларида ойдек жамолнинг
порлаб турар экан, қалбим ҳам илохий
химоя билан лиммо-лим тўлиб бора-
веради! Ҳа-ҳа, юрагимда сен бор экансан,
мен Яратганнинг паноҳида яшайман,
яшайвераман!.. Ёзувчи бу гапларни
ёзмади, балки Бинафшага айтди. Тил
билан эмас, йўқ, кўзлари билан, ҳоли
билан, ҳаёти билан баён этарди,
борлиқ дил изхорларини...

Ёзувчи қоболларини очди. Тушми-ди
бу ё ширин бир ҳаёл — билолмади.
Нафсилларини айтганда, энди бунинг
унга фарқи йўқ эди. Чунки унинг
ҳаётида, юрагиди бинафша бор эди,
бинафша! Лаблари ҳам дамодам “Бинафша!”
дея пичирларди. “Бинафша! Ҳозир
хузурингга учиб бораман ва биз ниҳоят,
дийдор қўришамиз! Сўнг бир умр бирга
бўламиз, бир умр ширин суҳбат қура-
миз. Бир умр кўзларингга қараб яшайман,
ҳаётим!.. Ёзувчи?.. Йўқ, у биз учун
бир лаҳза! Чунки сезиб турибман, бу дунё
вақти бизга, севимизга камлик қилади,
бизга мангулик керак дийдорлашмоқ
учун ва биз унда абадий суҳбат қура-
миз! Покиза гулим, эшитяпсанми, абадий!
Бу дунёю у дунё бирга бўламиз энди!
Ҳатто Яратганнинг яна неча-неча бошқа
очунлари бўлса, уларнинг ҳаммасида,
тақдир бизни қай сориға йўлласса,
ўша оламларнинг ҳам барча-барчасида
баробар бўламиз! Тушуянсанми, Бинафша,
айланай сендан, Тангрим ёрлақаса,
биз хамиша бор, хамиша бирга ва хамиша
бахтиёр бўламиз!..

Ёзувчи уйдан ораста кийиниб чиқди.
Анвоий гуллар иси тутган йўлда
енгил одимларкан, юзлари ажойиб
бир тарзда ёришиб борарди унинг...

Улугбек ҲАМДАМ 1968 йилда туғилган. ЎЗМУнинг филология факультетини таълим олган. “Ёлғизлик”, “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Ватан ҳақида қўшиқ” сингари китоблар муаллифи. Ҳозир “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири.

“ТО ЎЗУНГНИ ХАСЧА КЎРГУНГДУР...”

Бугун модиятга масту мустағрак инсоният шундай шитоб билан ҳаракатланмоқда-ки, уни озгина фурсатга бўлса-да, ҳаёлий бир оламга олиб кириш анча мушкул. Негачи, бу тезкорлик XXI аср кишиси учун одат тусига айланган. Кишининг тахайюл оламига кириши учун эса, вақт-вақти билан ўз кўнгил ботинига боқиб, бир фурсат бўлса-да, оёғи муборак заминдан узилмай ҳам чинакам воқеликка, ҳам шеърятга табиатга уйғун тарзда ҳаракатланиши жоиздир. Бу билан у ўзининг “савдойи хом”, яъни хом ҳаёлларини пиширади ва ўз тасаввур оламини янада бойита боради. Зеро, ҳазрат Румий айтганларидай, “Ҳаёл олами тасаввурлар оламига қараганда янада кендир. Чунки бутун тасаввурлар ҳаёдан туғилади”.

Бир ғазал шарҳи

қали айни шу ҳолатга рамз-ишора қилганининг эҳтимоли кўлдир. Бундан ташқари, бу байтда *дона* сўзи марварид маъносида ишлатилган. Айни шу маънода байтнинг қисқача мазмуни қуйидагича шарҳланади: эй одам, кўнглингда асло дуру гавҳарларга мойиллик пайдо бўлмасин. Борди-ю, уларнинг аслига, яъни азалий келиб чиқишига назар ташлайдиган бўлсанг хатардан бошқа нарсани кўрмайсан... Ахир, азалдан тақдир, аникроғи, илоҳий ҳукми ўша марваридларга кучли сиқиклик ичра денгизнинг жўш уришини тузоқ қилиб қўйди. Сен ҳам ўша муҳит тепаси ёки остидидаги сингари тузоқларнинг қурбонига айланмагин.

Гар малак тасбиҳи дона, ҳур зулфи дом эрур,
Ким, бу дому донага зийрак қуш эрсанг, бўлма ром.

Байтнинг қисқача мазмуни: агар фаришта тасбиҳи дона бўлса, ҳури гилмон зулфи тузоқдир (бу ўринда зулф кўпроқ фоний дунё касратига рамзий ишорадир). Эй одам, агар ўзингни зийрак қуш деб билсанг, ҳеч вақт бу



тузоқ ва донага бўлма мойил. Ғазалда “кўнгул қуши” ва “зийрак қуш” ибораси қўлланилади. Бунда шоир, асосан, маънавий-ботиний бедорлиқни назарда тутди.

Даҳр боғининг ҳавосидур самуму суйи захр,
Анда бўлмас бу ҳавову су била қилмоқ мақом.

Ушбу байт мазмунига кўра, фоний дунё, яъни бу олам боғининг ҳавоси, аслида, иссиқ шамол, гармсел. Бас шундай экан, эй одам, унга кўп ошuftа бўлма, алҳол ўз тадорикчининг кўр, зеро, бу ҳаво ва сув билан мақсад, манзилга етиб бўлмайд.

Боғким, нилуфарий кўкурд ўтидур англаким,
Не муаттар бўлғай андин тарбият топқан машом.

Аввало, байтдаги нотаниш сўз маъносини изоҳлайлик. Бу арабча *машом* сўзидир. Унинг луғавий маъноси “димог”, “бурун”. Ушбу маънога кўра, байтни қуйидагича шарҳлаш мумкин: кишининг димоғи бу дунё боғи-

нинг хушбўйликларига ошuftа бўлса, яъни унга ўрганиб қолган бўлса, бу мушкул бир ҳолатдир. Ахир, бир кун келиб, бу боғ сап-сариг тус олиб, ундан олтингугурт ёки гугурт ўтидан ҳосил бўладиган бадбўй хид чиқади. Илло, бундан димоғ қандай тарбият топиши мумкин. Шунинг учун ҳам, бунга, энг аввало, улуг тайёргарлик (ботин олами силларини ўрганиш кўзда тутилган — **М.А.**) кўрмоқ жоиздир. Бироқ матн ортида яна шундай бир рамзий ишора ҳам йўқ эмас: димоғ тарбияти фақат бу дунёга хос бир юмуш. Комиллик истагиди бўлган одам кўпроқ кўнгил тарбиясига берилиши жоиз. Чунки кўнгилга нақшланган тарбия киши руҳи билан пайвастадир.

Май ўти бирла димоғингни қизитмаким, бу ўт
Эл димоғида пиширмайдур бажуз савдойи хом.

Улуг шоир юқоридаги бадий кайфиятни ушбу байтда ҳам давом эттиради. Байтда *май* сўзи ўз луғавий, яъни “маст қилувчи ичимлик” маъносида қўлланилган. Яъни шу маънода бу байт мазмуни қуйидагича: май ўти билан димоғингни қизитиб тарбия қилишинг бефойда. Ахир, эл сенинг бу ишратий ҳолатингдан хабар топгандан кейин, хом ҳаёлларинг пишиши ўрнига акси бўлади, холос.

То ўзунгни хасча кўргунгдур эмассен одамий,
Гар ҳавода сайр қил, гар су уза кўргуз хиром.

Бу мисраларда шундай бадий кайфият илгари сурилади: “одамийлик шеваси”га ҳар ким ҳам етишавермайди. Бунда, одам ўзлигини нутиб, то хоқсорлик қамоғига етмагунча ҳеч бир ҳол юз бермайди. Илло, у хоҳ қўққа учсин, хоҳ сув юзасида юрсин. Агар бу манзарани бошқароқ бир тарзда, яъни ботиний бир тилда ифодаласак, унда одам менглидан сенлик рутбасига ўтиши жоиздир.

Қул қил ул хасни фано оташғаҳига ташлабон,
То кўнгул мирьоти ул қулдин жило топқай тамом.

Бу ўринда ҳам юқоридаги байтдаги сингари бадий тафаккур илгари сурилади. У қуйидагича тус ва тароват олади: бу “хас”ни сен фано оловига ташлаб қуйди ва шу “хас” қули билан кўнглингни қиёб ойнадек мусаффо қил. Токи кўнгил кўзгунг шу қулдан жило топиб, мурод ҳосил қилсин.

Истарам, кўзгуда кўрсам ёр аксин бир нафас,
Соқйё, майким! Эрур ишқ аҳлининг кўзгуси жом.

Бу байт қатида яширинган теран илдизли, образли ифодалар ёр — “оллоҳ”; акс — “илоҳий нур тажаллиси”; соқий — “пири комил”; май — “ваҳдат (бирлик) майи”; жом — “ориф инсон қалби”; “илоҳий тажаллий акс этган борлик” каби сўзлар замирида мужассам. Аммо бу образли ифодалар Навоий шеъриятида бундан ҳам кенг фалсафий, ботиний-илоҳий маъноларни англатиб келади. Шу маъноларга кўра, байт мазмуни қуйидагича: илоҳий нур таралиб турган оламни кўрсатиб турувчи кўзгуда, бир лаҳза бўлса-да, илоҳий нур тажаллисини кўрсам эди. Эй пири комил, ишқ аҳлининг сархушлигига азалдан илоҳий нур тажаллиси боисдир. Модомики шундай экан, уларнинг оламни кўрсатувчи ойинаси илоҳий тажаллий акс этган борлик ва ориф инсон қалбидир.

Умуман, ғазал ботинан тахайюлий ва мажозий маъноларга бойлиги, зоҳиран эса, одамийлик қамоғига етишиш йўлида нақадар чўнг бир тафаккурни ўзида жо этган дастуриламал сифатида Ҳазрат ғазалиётда муҳим ўрин тутди. Бу ғазал ўзбек миллий поэтик тафаккур тарзида ангаича бир тавр уйғотди, китобхон кўнглига эса кўтарикчи руҳ ва соқиллик бахш этди.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

Янги “Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида” руқни остида инсоният бадий тафаккури ривожига бекиёс ҳисса қўшган дунё халқлари адабиётларининг атоқли намоёндалари ёзиб қолдирган бадий адабиёт тарихи, табиати, ижод силлари, адабий оқимлар, эстетик тамойиллар мазмун-моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, мушоҳадалар бериб борилади. Умид қиламизки, улуг ижодкорларнинг салмоқли, теран қарашлари ифодаланган бу иқтибослар китобхонлар, айниқса, ёшларнинг бадий-эстетик диди, ижтимоий онги ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Яхши танқидчи нафақат ўқиган асарларини таҳлил қилад, балки у ўз қалбининг кечинмалари — саргузаштларини ҳам баён қилади.

Анатол ФРАНС

Фақат ўзинг яхши ўрганган, яхши биладиган нарсалар ҳақида ёзиш, ёзганда ҳам самимий ва рост ёзиш керак; тасвирланган ҳолат инсон қалбини ўртаб юборсин, воқеликни баҳолашга ёрдам берсин, ўқувчи бошидан кечирган воқеликнинг бир қисмига айланиб қолсин.

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

Дорилфунунлардаги, корхоналардаги, биржалардаги ва кўнгил-хушлик қиладиган жойлардаги “реал” ҳаёт ҳар қанча ҳаяжонли бўлмасин, биз ҳар қуни икки соат вақтимизни ўтган замонларнинг фалсафасини ва адабий асарларини мутолаа қилиш билан ўтказмасак, ҳақиқий ҳаётга яқинроқ бўла олмаймиз.

Герман ХЕССЕ

Романнинг келажаги ёзувчилик услубидаги муайян бир урфга эргашишга боғлиқ эмас; бироқ-бир иқтисодий шароитга ҳам боғлиқ эмас. Романнинг келажаги фақат иккита хусусиятга боғлиқ. Бу хусусиятлар Улугворлик ва Жозибадорлиқдир.

Жон ГОЛСУОРСИ

Ҳар бир авлод ўзини дунёни қайта қуришга масъул, деб ҳисоблайди. Мен мансуб бўлган авлод эса бундай қилол-маслигини билади. Бироқ унинг вазифаси, эҳтимол, унданда каттароқдир. Бу вазифа ер курриси йўқ бўлиб кетишига ҳалал беришдан иборат.

Альбер КАМЮ

Санъат фақатгина ҳаётни қаламга олиш эмас, шунингдек, борлиқнинг бирлигини айтиш ҳам... Ўз даврининг эътиборга лойиқ ёзувчиси номаълум, бетакрор, ягона тирик ҳаёт ҳақиқатини тасвирга олишга қодир кашфиётчидир.

Борис ПАСТЕРНАК

Поэзия нафақат дунёни билиш, балки у ҳаётнинг ўзи ҳамдир, бутун борлиги билан ҳаётнинг ўзи. Шоирлик қабилчилик замонида ертўларда яшаган одамнинг қалбида ҳам бор эди, у атом асри одамнинг руҳида ҳам яшайди... Борки мавжудотга садокат билан шоир бизга бизнинг дунёимизнинг боқийлиги ва бирлигини ҳис этишимизга ёрдам беради... Ва агар шоир ўз даврининг ҳасталанган виждонини гавдалантира олса, унга бошқа талаб йўқ.

Сен-Жон ПЕРС

Адабиёт муаллифга инсоний онгни сақлаб қолиш имконини беради, адабиёт бизнинг ўзимиз билан ўзимиз гаплашадиган нарсалардан бошланади. Бу ўринда ўзаро алоқа иккиламчи вазифа. Адабиётни бизнинг ички ҳис-туйғуларимизнинг амалга ошишига бўлган эҳтиёжимиз пайдо қилади. Китоб, жамиятга таъсир этадими, йўқми — бу бошқа масала, бу саволнинг жавоби унинг муаллифига мутлақо боғлиқ эмас.

Гао СИНЦЗЯН

Чинакам бадий адабиёт намуналари барча замонларда китобхонлар қалбига нур бағишлаб, маънавий дунёсини бойитиб келган. Худди шунингдек, бадий асарлар наشري ҳам тахририятлар, наشريётлар зиммасига улкан масъулият қолаши ҳамма даврлар учун ҳосдир. Севимли ҳафталигимизнинг 2014 йил 4 июл сониди басилган “Нашр масъулияти ва замон талаби” сарлавҳали давра суҳбати айни шу долзарб мавзуга бағишлангани билан кўпчиликда қизиқиш уйғотгани тайин. Суҳбатда тегишли идора раҳбарлари, ноширлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар китоб наشري билан боғлиқ талайгина муам-

қандай, деган савол туғилиши табиий. Яқинда китоб дўконларини айланиб, ўзимга керакли нашрларни қидирав эканман, энг кўзга кўринарли жойларга дид билан териб қўйилган китобларга кўзим тушди. Ҳақиқатан ҳам газета дўконларида кўзга кўринарли жойларга “харидоргир” кўнгилочар газеталар териб қўйилганидек, мен кирган китоб дўконининг олд пештахталарини ялтироқ муқовали, чиройли безакли китоблар эгаллаган. Аммо бу нашрларнинг “ичи бош-бўш”лиги давра суҳбатда аниқ мисоллар орқали айтилди. Нима ҳам дердик, савияси паст китобларни харидорга алоҳида тавсия этиш ҳам

лом фикрни камол топтиришга хизмат қиладиган ижод намуналарини тақдим этсалар, айни мурдадо бўларди. Чунки асосий китобхонлар оммаси — биз ёшлар шундоқ ҳам мустақиллик йиллари ютуқларига шохид бўлиб ўсмоқдамиз. Даврнинг, тинчлик ва осийш-талиқнинг, демократиянинг туб моҳиятини тушуниб, қадрига етишимизда бизга мушоҳада юритишимиз учун туртки берадиган асарлар керак.

Давра суҳбатида адабиётшунос Ш.Ризаев ижодий эркинлиқни соғлом мушоҳададан айри, ҳар одам ўз майлича иш тутди, дея тушуниш катта хато эканлигини таъкидлагани эътиборга молик. С.Рафунинг “олди-қочди” асарларининг урчиб кетишида ҳақиқий сўз усталарининг ҳам айби бор, дегани айни ҳақиқат. Дарҳақиқат, китобхоннинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб керакли адабиётлар нашр қилинса, юқоридаги муаммоларнинг бир қадар олди олинамиди. Мамлакатимизда ижод учун катта имкониятлар: ижод эркинлиги таъминланган, замонавий техникалар билан жиҳозланган босмахоналар ишлаб турган бир даврда нашр сифати ҳам шунга муносиб бўлиши зарур.

Ушбу давра суҳбатида муҳокама қилинган масалаларнинг аҳамияти катта, албатта. Суҳбатда адабий жараёнга, китоб наشريга, ўқувчи савиясига ижобий таъсир кўрсатадиган кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалар айтилган. Шу билан бирга бу суҳбатда кўтарилган муаммоларнинг ечими борасида аниқ тақлифлар, истаклар ҳам баён этилганда нур устига нур бўларди. Умид қиламанки, кейинги суҳбатларда бу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Азизахон ИЛЁСХОНОВА,
ЎЗМУ журналистика
факултети талабаси

НАШР СИФАТИ — ДОЛЗАРБ МУАММО

моли масалалар, бу соҳадаги ютуқлар, камчиликлар ҳақида фикр юритишган.

Ёш ижодкорлар учун мунтазам ўтказиб келинаётган “Истеъдод мактаби” семинарида ижобий баҳо олган қалам-кашларнинг “Ижод” фонди томонидан чоп этилган “Биринчи китобим” туркумидаги илк тўпламлари жами юз мингдан ортқ нусхада чоп этилгани чиндан ёшларга кўрсатилаётган ғам-ҳўрлик намунаси. Аммо нашр этилаётган айрим бадий асарлар, маънавий-маърифий адабиётлар савияси билан боғлиқ муаммолар хануз бар-тараф этилмаётгани ҳам суҳбатда дангал айтилган.

Суҳбатда таъкидланганидек, бугун республикамизда фаолият юритаётган 100 дан ортқ нашриёт томонидан 2500 номдан ортқ, адади 40 миллион нусхадан кўпроқ турли китоблар ўқувчиларга тақдим этилганди, албатта, қувонарли ютуқ. Бироқ жуда кўп нусхада чоп этилаётган китоблар савияси

“бозор адабиёти” тарғиботининг бир усулидир. Диди шаклланиб улгурмаган ўқувчилар эса муқоваси эътиборни тартадиган бундай китобларни иккиланмай харид қилиши табиий.

Айрим ёзувчи ва шоирларимиз, журналистларимизнинг публицистик асарлари бир қолпидан чиққан гийшдек. Уларда бир хил жумлалар такрорланаверади. Бу каби ҳолатларнинг сабаби ижодкорларнинг сўз хазинамиздаги дурдоналарни қизғонилариданми ёки касбга, ижодга бўлган масъулиятсизликлари қўйбатими? Айниқса, мустақиллигимиз ва ислохотлар моҳияти ҳақидаги айрим мақолалар ҳисси ва бир қолпида ёзиладими, ўқийвериш улардаги жумлалар ёд бўлиб кетган. Ўзларини истиқлол даври адабиёти вакиллари санайдиган баъзи ёзувчи-шоирлар ютуқларни санаш билан чекланиб қолмай, чуқурроқ мушоҳада юритиб айни замонни аввалги тузум билан қиёслаб мулоҳаза юритсалар, соф-

ТАНҚИД ВА “БОЗОР АДАБИЁТИ”

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да (2014 йил, 27-сон) “Нашр масъулияти ва замон талаби” сарлавҳаси остида берилган давра суҳбатини қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Дарҳақиқат, нашр, наشريётлар муаммоси ижтимоий жараёнга боғлиқ эканлигини назарда тутса, унинг долзарблиги юқори экани аён кўринади. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Алининг ташвишланмишлари тушунарли: “Бугун ижодкорлар учун яратилган имкониятларни суистеъмол қилиб, қалам аҳли деган шарафли номга доғ тушираётганларга қарши нафақат ёзувчилар уюшмаси, балки барча зиялилар биргаликда курашмоғимиз лозим”. Профессор А.Аъзамовнинг чиройли ибораси ҳам ўринли: “Бозор адабиёти” тоғ кўчкиси-ю, биз унга қарши фақат кетмон билангина курашаётганга ўхшаймиз”.

Дарҳақиқат, наشريётлар ходимларининг савиясини кўтариш, масъулиятини ошириш зарур. Аммо мен у ёки бу асар тақдирини битта муҳаррир, ҳатто наشريёт қошидаги жамоатчилик кенгаши ихтиёрига топшириб қўйишни тақлиф қилмаган бўлардим. Бунда субъективизмга кенг имкон берилган бўлади. Ходим ёки муҳаррирнинг шахсий фикри билан асар тақдирини ҳал қилиш тўғри эмас, албатта.

Профессионал ёзувчиларни детектив ва саргузашт жанрларни ёш, тахрибсиз қаламкашларга бериб қўйганликда айблам ҳам асоссиз. Бинобарин, атоқли ёзувчиларни детектив ёзишга ундаш ҳам самарасиз уринишдир. Чунки “детектив” ва “саргузашт” ҳам сўз санъати нуктаи назаридан, аслида, жиддий жанрлар сирасига кирди. Уни ҳамма ҳам удалай олмайд. Шу боис ҳассос адибларни детективга “сафарбар” этиш орқали “бозор адабиёти” муаммосини ҳал қилишга умидвор бўлиш нотўғри. Қолаверса, “бозор адабиёти” — фақат бизнинг бугунги детективимиз эмас. У.Ҳамдам келтирган мисоллар жиддий жанрларга мансуб. Демак, заиф асарлар адабиётнинг ҳамма тур ва жанрларида кўзга ташланаяпти, деб дадил айтиш мумкин.

Лекин кураш деганда, давра суҳбатининг баъзи иштирокчилари ишора қилганидек, биргина маъмурий усуллари ўйла-маслик даркор. Таққиллаш, чеклаш билан муаммони ҳал этармикан? Адабий жараённи “тартибга” солиш учун, масалан, илмий ва диний адабиётларга нисбатан ишлатилган усулни қўлаб бўлмайди. Илмий, диний ва бадий адабиётлар, мақсад-вазифалари билан бир-бирларига яқинлигига қарамай, ижтимоий-ахлоқий масалаларга ёндашиш усуллари билан ўзаро қиёслаб бўлмайдиган ҳодисалар эканини унутмасли-

гимиз керак. Менингча, бугунги кунда адабиёт атрофидаги бачқилар говлаб кетишига йўл қўймайликнинг демократик жамиятга мос йўлини қидириш керак.

Бугунги жиддий бадий адабиётни қўллаш, бозоргир детективларнинг ҳам савиясини замон талаби даражасига (эстетик диди шаклланмаган китобхон даражаси эмас) кўтариш ва саёз “асарлар”га кенг йўл бериб қўймайликнинг маъқул йўли — бу бадий танқидчиликни фаоллаштириш, масъулиятини ошириш. Лекин, назаримда, давра суҳбатида адабий танқидга етарли даражада ургу берилмаган. У.Ҳамдамнинг “танқиддан тубан асар” деган тушунча нотўғри эканлиги ва А.Аъзамовнинг танқид маданияти пастлиги ҳақидаги фикрларига қўшилган ҳолда, адабий танқид бугунги жараёнда асосий қунага айланиши кераклигини таъкидламоқчиман.

Холис профессионал адабий танқид гўр асарларни қиёмга етказишда туртки бўлгани, балки наشريят, уларнинг муаллифларини ҳам “пиширишга” қўмаклашгани ҳақида жоҳон адабиёти тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қолаверса, танқиднинг, менимча, бундан ҳам муҳимроқ вазифаси бу — китобхоннинг, айниқса, ёшларнинг эстетик дидини шакллантиришдан иборат. Токи улар ўзлари бу борада оққорани мустақил фарқлай олиш иқтидорига эга бўлсинлар, уларнинг онгида ёт гоиларга нисбатан иммунитет ҳосил бўлсин. Матбуот хилма-хил фикрларга ўрин ажратиб, мутахассислар ва китобхонлар иштирокида баҳс-мунозаралар уюштириб борса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айни пайтда, танқидчининг холис сўзи яхши асар учун тарғиб, саёзларга нисбатан эса тавсия хизматини бажариши зарурлигини унутмаслигимиз даркор.

Жиддий адабиёт ҳақида қайғурганлар фикрини кенг китобхонлар аудиториясига етказиш масаласи ҳам бор. Афсуски, жиддий адабиёт ва соғлом адабий танқид фаолият юритадиган майдон — махсус нашрларнинг адади нихоятда оз.

Яна бир гап: адабий нашрларда севимли асарлар тўғрисида қизқарли баҳс-мунозаралар тез-тез уюштириб турилса. Бошқа тадбир-чоралар қаторига адабий танқидни рағбатлантириб бориш масаласи қиритилса фойдалан холи бўлмасди. Ва нихоят, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Ш.Ризаевнинг яхши асарларни саралаб, “ҳақиқий ўқийдиганлар аудиториясига етказиб бериш” тизимини яратиш зарурлиги тўғрисидаги фикри жуда ўринли эканлигини эътироф этмоқ лозим.

Қодиржон НОСИРОВ,
Наманган давлат университети доценти

Дилноза КУБАЕВА:

Ўзбек Миллий театрининг 100 йиллиги

САҲНАНИНГ ҲАМ ЮРАГИ, ТИЛИ БОР...

Бу йил Миллий театрда ижодий фаолиятимни бошлаганимга роппа-роса ўн йил бўлади, театримизнинг ташкил топганига эса 100 йил тўлади. Мен ана шу рақамларда рамзийлик кўраман. Чунки юз йилнинг ўндан бир қисми — мустақиллик даврининг бир ўн йиллигига тенг ишлабман бу даргоҳда.

Ўтган давр мобайнида театрда ижод қилиш нима эканини ҳис қилдим, ўз соҳангни тўлиқ англашинг учун йиллар керак бўлишини тушуниб етдим. Саҳнанинг ҳақиқий тафтини энди-энди чуқурроқ сеза бошлаяпман. Театрнинг 100 йиллиги аввало мен каби ёшлар учун қадрли, деб ўйлайман. Зеро, унинг бугунги қиёфаси, келажиги, биринчи навбатда, биз ёшларга боғлиқ.

Шундай қутлуг даргоҳда иш бошлаб, юрт кўз ўнгиде санъаткор бўлиб етишшимда устозим Мунаввара Абдуллаеванинг хизматлари беқийс. Бу олижаноб инсон биринчилардан бўлиб менга саҳнани севишни, унга садоқатли бўлишни ўргатди. Бундан қанчалик, илк муваффақият қозонган ролим ҳам Мунаввара опа саҳналаштирган "Андишали келинчақ" спектаклидаги бош қаҳрамон образи бўлди. Шундан кейин бирин-кетин ижодий репертуарим бойиб борди. "Омонат дунё", "Рустам", "Сизсиз ўтмас кунларим", "Хасрат боғи", "Увайсий", "Огоҳ бўлинг, одамлар!" спектаклларида турли характердаги ролларни ишони топишириди. Кинодаги фаолиятимга йўл очган ҳам, асос бўлган ҳам бевосита театрдаги изланишларим, деб биламан.

Миллий театримиз республикадаги асосий саҳнаси

саналади. Бир асрлик тарихга эга бу даргоҳ ўзининг мустақам ижодий мактаби аъёналари, устоз ва шоғирдликнинг намунали жихатлари билан ҳам барча театрларга ўрнак. Бугун мавжуд аъёналарнинг муваффақиятли давом этиб келаётганини ўз фаолиятим мисолида ҳам кўриш мумкин. Театр санъатимиз фаришталари Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Яйра Абдуллаевалар нафақат менга, балки барча ёшларга саҳна сирларини сабр-тоқат билан ўргатиб келишмоқда. Ана шу устозлар каби халқ муҳаббатини қозониш, муҳлислар қалбидан жой олишга қадир образлар яратиш орзусида изланишман.

Мустақиллик йилларида театримизнинг ташқи кўриниши ички ижодий муҳити бутунлай янгича қиёфа касб этди. Шу йил режиссёр Марат Азимов "Ўткан кунлар" асарини саҳналаштирди ва унда орзуимдаги Кумуш образини ижро этдим. Академик театр конуниятларида кўра, ҳар бир актёр классик асарларда чиниқади, шаклланади. Шу сабабли, жаҳон драматургларининг ноёб дурдоналари саҳналаштирилишини ва шу спектаклларда роллар ижро этишни истаётман. Айниқса, классик асарлардан "Гамлет"да Офелияни, "Алишер Навоий"да Гули образини талқин этдим



келади. Режиссёрлар биз ёш актёрларнинг имкониятидан, ғайратидан унумли фойдаланишса, яхши бўларди, деб ўйлаб қоламан. Чунки ўзим ҳам ижодга жуда ташнаман, бўш қолишни истамайман. Ижод қилганим сари, ижод қилгим келаверади.

Театр актрисаси бўлишнинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор. Саҳнага чин муҳаббат қўя олсангиз, соҳанинг барча бандд-пастликларига чидамли бўлсангиз, атрофдаги чалғитувчи нарсаларга эътибор бермасангизгина бир ерда кўкарасиз. Кинода фаолият кўрсатганим билан шоу-бизнеснинг ола-тасирларидан ўзимни асрашга уринаман. Бунда менга қадрдон театримнинг саҳнаси руҳий, маънавий куч бағишлайди. Баъзида ҳаёлан саҳна билан, ўтган устоз-

ларимиз билан ижод ҳақида сўзлашаман. Бу кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Лекин саҳнанинг ҳам юраги, тили борлигига ишонаман. Театрдан кетмоқчи ҳам бўлганман бир пайтлар. Бироқ саҳнага чиқшим ҳамонроқ, ҳамма нарсасимдан чиқиб кетар, қалбим билан саҳнанинг буткул асираси бўлиб қолганимни сезардим. Театрда доимо қайноқ ижодий жараён кечади. Балки шунинг учундир, театрда, саҳнага меҳрим бўлакча... Саҳнадан, саҳнадошларимдан бир умр миннатдорман!...

Айни кунларда режиссёр Марат Азимов драматург Иззат Султоннинг "Имон" пиесасини саҳналаштириш ишлари билан банд. Бу спектаклда Азиза образини гавдалантиряпман. Ушбу спектакл инсоннинг мудраб қолган виждони ҳақида. Айнан шу нарсаси инсон сифатида ҳам, актриса сифатида ҳам мени жуда қизиқтириб қўйди. Яна бу асарда турли мураккаб характерлар бор. Энг таъсирлиси, бу спектаклда инсоннинг виждони олдидаги унсиз ҳайқирини ва йиғисини ҳис қилишингиз мумкин. Бу одатий маънавий мавзудаги спектаклларда учрайдиган "йиғи"лардан тубдан фарқ қилади. Ўйлайманки, мазкур саҳна асари Миллий театримизнинг 100 йиллигига ажойиб тўхфа бўлади.

Лобар ҚОБИЛОВА
ёзиб олди.

Дилноза КУБАЕВА 1986 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Драма ва кино актёрлиги бўлимида таҳсил олган. 2012 йили "Шўхрат" медали билан тақдирланган.

Умр ибрати

роф ўша пайтда нафақат Маъмуржон Узоқовнинг ёрқин истеъдодига, унинг ижодига, балки аънавий ўзбек кўшиқчилиги санъатига берилган юксак баҳо эди.

Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ўлмас Саиджонов, Бекназар Дўстмуродов, Абдунаби Иброҳимов, Махмуджон Тожибоев, Оролмурзо Сафаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шўхрат Қаюмов, Фурқат Ашуралиев, Элмурод Аҳмедов ва истеъдодли талаба-хонандалар устоз ижро этган машҳур ашулаларни қўлаб, тингловчиларга ҳуш қайфият улашди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ва "Нихол" мукофоти совриндори Гулзода Худойназарова ижросидаги "Ушшоқ" ҳамда "Эй, сабо" ашулалари томошабинларни ҳушнуд этди. "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамблининг рақосалари, профессор Рифатилла Қосимов бошличилида фаолият олиб бораётган консерватория соҳнада ансамблининг ижролари кечага фойз бағишлади.


Аҳмаджон РАҲИМОВ

Янги наслар

“ДРАМА НАЗАРИЯСИ”

Вокелики саҳнада акс эттириш услублари антик даврдан буён ижод аҳлининг турли баҳс-мунозараларига мавзу бўлиб келаётди. Театршунос Муҳаббат Тўлаҳўжаева ҳамда журналист Тўлқин Қозоқбоев муаллифлигида чоп этилган "Драма назарияси" ўқув қўлланмаси санъат ва маданият йўналишида таълим олаётган ёшлар учун саҳна ва драматургия илими сирларини эгаллашга кўмак берадиган манбалардан бўлиши шубҳасиз. Унда драма ҳақидаги дастлабки илмий-назарий тушунчалар шаклланган қадимги даврлардан тортиб, унинг замонавий кўринишлари, конфликт, композиция, жанр каби драмага хос унсур хусусиятлар аниқ ва содда тилда баён этилган. Жаҳон театри тажрибаларига асосланувчи фикр-мулоҳазалар профессионал драматургия оstonасига қадам қўяётган ёш қаламкашлар учун фойдали бўлиши мумкин. Бу ўринда муаллифлар миллий драматургиямизнинг тараққиёт йўли, истиқлол давридаги изланишларга тўхталиб ўтганини таъкидлаш жоиз. Қўлланмага драматик атамаларнинг қисқача изоҳли лугати ҳамда тест саволлари илова қилинган.

Илҳом СЎЗОҚОВ



Истеъдодли кулол Абдувоҳид Каримов Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида ўқитувчи оиласида таваллуд топган. Бухоро шаҳридаги санъат мактабиде ўқиган. У машҳур халқ устаси Кубаро Бобоевадан, сўнгра Гиждудон кулоллик мактаби устаси Алишер Нарзуллаевдан ўйинчоқ ясаш сабоқларини олди. Дастлаб Республика рассомлик билим юртининг бадий сополсозлик бўлимида уста кулол Фозил Мирзаевдан таълим олди. 2004 йили пойтахтимиздаги Амалий санъат музейида биринчи шахсий кўргазмасини ва Бухоро шаҳридаги Санъат музейида "Анъана ва замон" деб номланган иккинчи шахсий кўргазмасини намойиш қилди. Моҳир кулол ўн йилдан буён турли халқаро ва республика кўргазмаларида қатнашиб келади. Ҳозир у унутилиб кетган Бухоро кулоллик мактабини тиклаш йўлида изланмоқда.

“ЧАРХ”НИ АЙЛАНТИРАЁТГАН ЧАРХ

— Абдувоҳид ака, ижод майдонига ҳар ким ўзига хос йўл билан кириб келади. Сизда ўз йўлингизни, услубингизни топиш жараёни қандай кечган?

— Очиғи, осон бўлмаган. Ҳали ҳам изланишдаман. Мўҳими, яхши устозлардан таълим олдим, бу катта бахт. Биринчи устозим — волидаи муҳтарамам. Ёшлигимдан бир нималар ясашга қизиқишимни сезиб, қўлимга қалам-дафтар, пластилин ва китоблар тутқазган. Учинчи синфдалигимда Гиждудонлик машҳур устозда кулол Алишер Нарзуллаев қўлига топширган. Кейин машҳур ўйинчоқсоз Ҳамро буви Раҳимованинг келинлари — Кубаро Бобоеванинг уйларида анча вақт шоғирд бўлиб, лой тайёрлаш, ўйинчоқ ясаш ва унга зеб бериш сирларини ўргандим.

Санъат билим юртида эса кулолчиликда ўз йўлимизни топишда катта ёрдам берган ажойиб инсон — устоз Фозил Мирзаевнинг қалдирғоч шоғирдига айландим. Бу ҳаётимдаги катта ютуқ, омад эди. Раҳматли устозимиз бир гапни кўп такрорларди: "Олдин ўзимизнинг миллий мактаб ва аъёналарни ўрганишлар, чуқур билинлар, ундан кейингина эркин ижод қилсангиз бўлади. Яъни, олдин пойдевор, сўнгра иморат қурилади". Шунинг учун бўлса керак, ўқиб-изланганларим бесамар кетмади. Кулолчилик ҳақидаги тушунчаларим кенгай боргани сари менда саволлар туғила бошлади: Бухоро шаҳрида нега кулоллар жуда оз? Нима учун Риштон, Ургут, Гиждудон, Фурумсарой, Хонқа ва Тошкент кулолчилик мактаблари бору, айнан Бухоро аънавий кулолчилик мактаби давом этмаган. Бу саволларга музей архивлари, илмий адабиётлар, олим устозлардан жавоб излашни бошладим. Ушунда Бухоро кулолчилик мактабини тиклаш, уни кенг оммага намойиш қилиш асосий мақсадимга айланди.


Ҳуллас, аънавий йўлни танладим, лекин шу билан бирга замонавий йўналишда ҳам ижод қила бошладим. "Орзуларим қанот бергай", "Қўлга олдим муҳаббат торим", "Бир боқилиш", "Қўҳна ҳақиқат", "Наврўза" каби ишларим анъана ва янгиликлар уйғунлигида яратилди. Ўз йўлини, услубини топиши ижодкорнинг тушунчасига, илм даражасига, дунёқарашига боғлиқ. Ҳар бир ижодкор савиясидан келиб чиққан ҳолда, у ёки бу оқимга қўшилиши ёки ўзи бир йўналиш ижодкорига айланади. Бир сўз билан айтганда, аввал ҳиссиёт, сўнг ақл билан энг гўзал ҳолатни, шакл-мазмунни танлаб, таққослаш жараёнида етилади.

— Кузатиш, ўқиб-ўрганиш, тинимсиз машқ қилиш ижодкор фаолиятининг ажралмас қисми, шундай эмасми?

— Албатта. Уйимизда кутубхонамиз каттагина эди, эртақ ўқишни яхши кўраддим, ҳатто ака билан китоб талашардик. Бувимнинг бизга совға қилган гиламлари бор, кичкиналигимда шу гиламининг гулларини кузатардим. Ундан ҳар хил шакллар, қиёфалар кўринарди. Онам музейида ишлаганларида, мактабдан кейинги вақтим шу музейнинг хараба жойларида сопол сингиларини териш билан ўтарди. Тошкентга келганимизда эса тарихий музейлар иккинчи уйимдай бўлиб қолди. Қолаверса, археологияга қизиқишим устозларим сафини янада кенгайттирди. Улар билан суҳбатлар, тарихий адабиётлар, кейинчалик археологик қазималарда қатнашиш касбимни янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам берди. Ибн Сино даври сопол сингиларига тегишли махлиё бўлиб қолганимда, IX-XI асрларга тушиб қолишни, шу давр уста кулолларидан сабоқ олишни истардим. Тошкентнинг эски шаҳрида қурилиш бўлаётган жойларга қадимги сополларни қидиргани борардим. Курсдошларим ҳатто менга "қадимшунос" деб таҳаллус қўйишганди. Буларнинг ҳаммаси ижодимнинг шаклланишига ёрдам берди.

— Айтинг-чи, санъатда мазмун бирламчи ми ёки шакл?

— Иккиси ҳамоҳанг, уйғунликда бўлиши лозим. Оллоҳ ҳар бир нарсани ўз жуфти билан яратган, ҳатто санъатда ҳам бу ўз аксини топган. Наққошлик, ганчкорликнинг гириҳ ва ислами турлари бор, улар айро бўлолмайди. Ҳамонҳанг ва мутаносибликда бўлади. Назаримда, ислами нафис, назокатли аёл бўлса, гириҳ унинг химоячиси, ён-атрофини кўриқлайди, маъносизлик ва бетартибликдан чегаралайди, уни янада



гўзаллаштиради. Рангтасвирда ҳам жўшқин ва совуқ ранглр ёнма-ён туради, шунинг учун мазмун ва шакл бир-бирини тўлдириб, ҳамоҳанг бўлади.

— Бадий танқидчиликнинг бугунги ҳолати ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Мутахассислар асарларимга кўпинча ижобий муносабат билдиришади. Ўзимга келсак, ҳамма асарларимдан ҳам қониқавермайман. Тўғри, ҳолис танқидни тушунаман, акси бўлса, албатта, норозиликимни билдираман. Шоҳ Бобур портретини лаганга ишлаганимда танқилик бир рассом танқид қилганди. "Лаганнинг ўз вазифаси бор, унга портрет чизилмайди", деб ҳолис баҳо берганди. Билдирилган фикрлар, орттирилган билимлар ижод маҳсулини ранг-баранг қилади.

Кейинги йилларда ўқиган нарсаларимдан аглаганим "изм"лар, мен шундай кўраман ва тасаввур қиламан. ва ҳоказо гаплар. Ижодга ёрдам берадиган илмий-танқидий фикрларни кўпдан буён эшитганим ёки ўқиганим йўқ. Фақат "Бу рассом инсталляция, буниси авангард усулида ишлабди", деганга ўхшаш "шов-шув"лар. Ўтмишимиздан ибрат олган ҳолда, замонга қараб қадам ташлаш зарур. Забардаст рассом Чингиз Аҳмаровни жуда ҳурмат қиламан. Бу камтарин санъаткор ўзидан бой маънавий мерос қолдирди. Ижодида маънавиятимизнинг нозик қирралари, тавозе мужассам. Ҳаммамиз, ҳатто танқидчилар ҳам бу зотдан ўрнак олишимиз керак.

Санъатшунослик фанлари докторлари Акбар Ҳакимов ва Нигора Аҳмедова, санъатшунос Людмила Кордзеваларнинг сафини ёшлар тўлдириши керак бўлган вақт этди. Талабаларимизда институтда санъатшунослар кўча кўргазмалар тўғрагини очилди. Шу тўғрақ фаолияти бўлими ташкил этилса, жуда катта иш бўларди. Чунки санъатшунослар рассомлар билан ёнма-ён юриши, ҳамкорликда фаолият кўрсатиши керак. Шундангина бирор салмоқли натижага эришиш мумкин.

— Томошабиннинг эстетик дидини ўстириш учун нима ишлар қилиш керак, деб ҳисоблайсиз?

— Ота-оналар фарзандларини болалигидан музейга, кейинчалик кўргазмаларга олиб бориши керак. Ҳатто боғчадан, мактабдан бошлаб эстетик дидни ўстириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, оила ва мактаб бир бўлиб фарзандни болаликдан тасвирий санъатни "ўқиш"га ўргатишлари зарур. Фарзандларимизга, биринчи навбатда, миллий асарларимизни тушуниришимиз, кимлардан ибрат олишни ўргатишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Лазизжон БАХРАНОВ
суҳбатлашди

ҲОФИЗНИ ЭСЛАБ...

публика кўрик-танловлари санъаткорнинг ижодий йўлини, аъёналарини давом эттириш ва ривожлантириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Куни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ ҳофизси Маъмуржон Узоқов ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва консерватория ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда санъатшунослик фанлари номзоди, про-

фессор Сойибжон Бегматов устоз санъаткорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўзлади. Ўзбекистон халқ артисти Санъат Мирзонов, Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Девонаев ва устоз санъаткорнинг қизи Зўҳраҳон Узоқова ҳофизнинг ибратли ҳаётига доир хотиралари билан ўртоқлашди.

Сўзга чиққанлар устоз ҳофизнинг ўлмас мероси ҳақидаги машҳур санъаткорларнинг эътирофларидан мисоллар келтирдилар. Жумладан, жаҳон опера санъатининг танқилик намоёндаларидан бири, машҳур компо-

зитор Алексей Козловский Маъмуржон Узоқовнинг жозибдор кўшиқларини тинглаб шундай деганди: "Мен сиздек ёш хонанда олдида бош эгаман. Овозингиз тиник, жарангдор, ўта тўлқинли. Нафас олиш ва чиқариш маҳоратингизга гап йўқ. Билмайдим, сиз буюк италия хонанда-устозларидан таълим олгансизми-йўқми, лекин улардан мутлақо қолишмайсиз. Умуман, биз сиз ўзбеклардан кўп нарсани ўрганишимиз мумкин экан. Хайратдаман. Ок йўл сизга!" Бу эъти-

Ёш ҳунармандлар анжумани

Халқ ҳунармандлиги "барча санъатлар отаси", деб бежиз эътироф этилмайди. Унинг аъёналари шу қадар қадимий ва гўзалки, замонавий технологиялар даврида вояга етаётган бугунги кун ёшларини ҳам қайратга солишга, мафтун этишга қодир. Пойтахтимиздаги Миллий ҳунармандлик касб-хунар коллежида ташкил этилган VII ҳунармандлик ва амалий санъат маҳсулотлари кўргазма-анжумани юртимизда камол топаётган ана шундай истеъдод эгаларини жамлади. "Хунарманд" уюшмаси ташаббуси билан "Мустақил юрт ҳунармандлари" мавзусида ташкил этилган ушбу анъанавий тадбирда "Устоз-шоғирд" дастури асосида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг халқ амалий санъатининг йигирма бешдан ортқ йўналишида яратган ижодий ишлари намойиш этилди.

Семинар доирасида Ашурмуҳаммад Қулиев, Берди Чориев, Дурдумурод Қулиев, Абдулла Сориев, Оқмурод Рўзиев каби туркмаistonлик танқилик усталар билан ҳам ижодий учрашув бўлиб ўтди. Айниқса, меҳмонлар иштирокида ташкил этилган маҳорат дарслари йигилганларда катта қизиқиш уйғотди. Ёш ижодкорлар моҳир ҳунармандларнинг ишларини кузатиш баробарида уларнинг тажрибаларини ўрганиш, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконига эга бўлишди

Янги нашрлар

"XX АСР ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИ"



"Адиб" нашриётида корейс тилида ўзбек ҳикоялари тўплами нашр этилди. Китоб Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчилари ва институтда фаолият юритаётган Жанубий Корейлик мутахассислар билан ҳамкорликда тайёрланган. Таржимон филология фанлари доктори В.Ким, тўловчи А.Алимов.

Китобдан атоқли адибларимиз А.Қодир, Чўлпон, Фитрат, Ойбек ижодидан танланган ҳикоялардан бугунги ёш авлод ноирларининг ушбу жанрдаги асарларига — жами йигирма уч нафар ўзбек ёзувчисининг ижод намуналари жой олган. XX аср ўзбек ҳикояларининг корейс тилига ағдарилиб чоп этилгани ўзбек-корейс адабий-маданий алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

"ГУЛШАН ДИЁР КҮЙЧИЛАРИ"

Яқинда Наманган вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида "Наврўз" нашриёти наманганлик шоир ва ёзувчилар ижодидан сараланган асарларни "Гулшан диёр куйчилари" номи остида нашрдан чиқарди. Тўпламда таниқли шоир ва ёзувчилар билан бир қаторда ижод бўстонида кириб келаётган ёш қаламкашларнинг битиклари ҳам бор. Мустақиллик ҳавосидан нафас олиб, бахтиёр ва дориломон кўнлар шўқуҳидан илҳомланаётган наманганлик шоирлар асарлари гўзал ташбеҳлар, образли ифода, уйғун оҳангларга бой. Дарвоқе, ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвонини айнан наманганлик атоқли шоир Муҳаммадшариф Сўфизода олган эди. Мазкур тўплам Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдуллоев Ватан, онага бағишланган шеърлари билан очилди. Шунингдек, китобдан наманганлик Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг ҳам шеърлари ўрин олган.

Жамолдин Муслим тўплаган мазкур адабий гулдаста, умид қиламизки, адабиёт ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.

Ризвоной НИЗОМОВА, талаба

"МУҲАММАС ГҮЛШАНИ"

"Истиклол нашриёти"да чоп этилган шоир Зикрилла Неймат Вафойининг "Муҳаммас гулшани" китоби унинг юздан ортқ муҳаммаси жамланган. Муаллиф мумтоз шоирлар ғазалларидан тортиб бугунги давр ижодкорлари асарларига муҳаммас боғлаган. Улар орасида, айниқса, Алишер Навоий ва Муҳаммадризо Огаҳий ғазалларига боғланган муҳаммаслар китобинида илқ таассурот қолдиради.

"Мумтоз шоирлар — Мунис, Увайсий, Нодира, Завқий, Фуркат, Ҳабибий, ҳозирги ўзбек шоирлари — Жамол Камол, Омон Матжон, Ҳабиб Саъдулла, Анвар Юнусов ва бошқа ижодкорлар ғазалларига боғланган муҳаммаслар ҳам диққатга сазовор", деб ёзади академик Азиз Қайюмов "Муҳаммас гулшани" китобидаги сўзбошида.

Дилдора ШАРАФИДДИНОВА, Жаҳон тиллари университети талабаси



ОҲ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...

лиш, Тўқимачилик ва енгил саноат институтларининг дизайн факультети талабалари, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Наманган, Бухоро, Навоий каби вилоятлар ва қорақалпоғистонлик ёш ижодкорлар, халқ усталарининг турли йўналишда яратилган уч юз элликдан ортқ ижод намуналари ўрин олган.

— "Совчилар" картинаси диплом ишим, — дейди ёш рассом Олим Муҳаммадалиев. — Полотнода совчиларнинг келиши, икки қизнинг анор тагида уларни ҳаяжон билан кузатишларини акс эттирдим. Бу асарни ишлашда узок изландим. Анор оила рамзи ҳисобланади. Шунинг учун аслиятдан кичик-кичик этюдлар тайёрлаб, давомини устаконда бажардим. "Муҳаббат", "Зебо", "Ёш она" манзарали портретлар ҳам шундай яратилган. Кейинчалик маиший мавзуда анор дарахти акс этган қизқарли тўплам яратиш ниятим бор.

Қорақалпоғистонлик Б.Серекеевнинг "Туйга", "Анорлар", "Арғимчоқ", "Мўйноқ", "Учрашув" каби картиналарида тугилиб

ўсган масканига, унинг самимий одамларига меҳр-муҳаббат талқин этилган. О.Тиллаҳўжаев, С.Қосимова, Н.Салимова, Р.Рўзимов, Ю.Пучковская, А.Никитина, Ш.Тошкеновларнинг асарлари устозлар эътирофига сазовор бўлган бўлса, М.Максумованинг буюк санъаткорлар ҳақидаги тўлаи, В. Кимнинг филмга ишлаган экзиси, Н.Нигматовнинг ҳайкалтарошлик асарлари ёшларнинг баҳс-мунозарасига сабаб бўлди.

— Бу каби кўргазмалар ёшларга ўзликни кўрсатиш ва устоз рассомлар оқими-га қўшилиш имконини беради, — дейди



кўргазма ҳайъат аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков. — Кўргазмани гуллаб-яшнаб турган асарлар муаллифларининг кўпчилиги институтимизни тугатган ёшлардир. Ижодкор ўз устида кўп ишлаши, фикрлаши, билимини бийитиб бориши лозим. Ғадир-будир, сўқмоқли, тиканакли йўлдан ўтса, чиниксагина натижаси яхши бўлади.

Сарвара ҚОСИМОВА

"ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"

2014 йил, 3-сон

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси ҳаммуассислигида нашр этилаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг ушбу сони мустақиллигимизнинг 23 йиллиги ва Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларга бағишланган. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиевнинг "Дастурий вазифалар учун имкониятлар, ислохотлар муваффақияти учун масъулият", Халқ-демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмоновнинг "Кўппартиявийлик тизими — демократик ислохотларнинг муҳим омил", "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Сарвар Отамуротовнинг "Истиклол — миллий тикланиш ва юксалиш имконияти", "Адолат" социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг "Сийёсий партияларнинг ролини кескин қучайтириш — демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг муҳим омил", Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг "Эркин ва демократик сайловларни ўтказишни таъминлаш" каби мақолаларда шу йилнинг декабрь ойида мамлакат Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, сайловни ўтказиш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳусусида атрофлича фикр юритилган.

Журналининг "Инсон ва қонун", "2014 йил — Соғлом бола йили", "Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамиятига", "Анжуманлар, тақдимотлар" каби рунлари остида ҳам қизиқарли мақолалар эълон қилинган.




"ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ"

2014 йил, 4-сон

Тилшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган Ё.Одиловнинг "Энантисемиянинг лексик сатҳдаги ўрни", Ф.Исмоиловнинг "Фразеологик бирикмаларда сонларнинг ифодаланиши" ва А.Бердиалиевнинг "Сўзнинг морфем тақсимланиши" мақолалари билан журналнинг илк саҳифаларида танишасиз.

Бобурнинг ораси Хонзодабегим тақдирининг "Бобурнома", "Тарихи Рашидий" сингари асарлар ва шеърлардаги талқинлари таҳлил қилинган И.Ҳаққулов мақоласи, Б.Фазлидиннинг "Рауф Парфи шеърининг ўзига хослиги", М.Қўқоровнинг "Мувозанат" романида шартли рамзлар" сарлавҳали тадқиқотларида мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намуналари тадқиқига эътибор қаратилган.



"Илмий ахборот" рукида босилган бир қатор тадқиқотларда "Навоий дебечаларида бадий тасвир воситалари" (Ф.Каримова), "Искандар" драмаси ҳақида" (Г.Ашурова), "Ўзбек шеърлигида учлик жанри" (Л.Шарипова), "Мифтоҳ ул-адл"нинг қўлёзма нусхалари", шунингдек, ҳозирги замон ўзбек насри, шеърлиги, тил илмининг муҳим мавзулари ёритилган.

Т.Мирзаевнинг "Биринчи қорақалпоқ фольклоршуноси" мақоласи профессор Қалли Айимбетов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. А.Улуғов "Нуктадон адабиётшунос" мақоласида замонавий ўзбек адабиётшунослигида олим Ҳамидулла Бобтаёевнинг ўрни ва илмий тадқиқотлари ҳақида сўз юритган.

Шеърли лўқма

МУЛТФИЛМ

Бургани бурга еди,
Қурқани қурқа еди.
Бўрини ғажир бўри,
Ўлжани еди зўри.

Чўққилар биқинида,
Бургутларнинг индида —
Жўжа чўқир ўзининг
Ўқсининг кўзини.

Қўлаб юрар гиначи
Ниначини ниначи.
Кўринг-да бу қилиқчи:
Балиқ еди балиқчи.

Қўнни қулар қўён,
Тулқи қочмоқда қаён?
Қочиб юрар хўкизлар,
Изларидан — тўғизлар.

Кенгуруни кенгуру
Сакраб-сакраб, кенг юриб,
Тармашди кетига,
Чанг солар сўнг бетига.

Маймунни миниб маймун
Тимдалар уни мамнун.
Қоплон босиб панжасин
Еб қўйди қоплончасин.

Илонлару чаёнлар
Судралмоқда қаёнлар?
Буларнинг ҳаммасини,
Қақлигу савъасини —

Келиб қолар-да беғам,
Еб қўяр битта одам.
Бу ёғи қизик бўлди,
Бир катта қизик бўлди.

Сиз булардан фарқ қилинг,
Даврасини тарқ қилинг.
Китоб ўқинг болалар,
Китоб ўқинг болалар.

Бу шеърли айтди дилим,
Дунёда энг зўр — билим.
Ана сизга мультфилм,
Мана сизга мультфилм.

Сирож САНДУВЧ

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
2015 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий
ҳодим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар учун
қабул эълон қилади:

17.00.01 — Театр санъати.

17.00.03 — Кино санъати, телевидение.

13.00.05 — Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси.

ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУҶЖАТЛАР:

— ректор номига ариза;

— маълумотнома;

— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

— олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;

— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза;

— илмий ишлар рўйхати (камиди 3 та мақола ва 2 та тезис);

— илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест

синовидан ўтганини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;

— илмий консультантнинг ёзма розилиги;

— паспорт нусхаси;

— 3х4см ҳажмида 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар 15 октябрдан 15 ноябрга қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Яланғоч мавзеси.

Маълумот учун телефон: 230-28-03, 230-28-14.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ
ҲАЁТИДАН

"Қарға-қиз"нинг саргузаштлари

"Виктория Бергманнинг оғизлиги" роман-трилогияси Скандинавияда Стил Ларссон (1954 — 2004 — китоблари жаҳоннинг ўнлаб тилларида 65 миллион нусхадан кўп чоп этилган швед ёзувчиси) замонидан кейинги энг катта шов-шувга айланган. Эрик Аксл Сунд таҳаллуסי остида ижод қилувчи икки швед адиби Йеркер Эрикссон ва Хокан Аксландер Сундквист қаламига мансуб бу асар китобхонлар қалбини ларзага солган. Асар муҳожирлар бошига тушган ғажавий воқеалар сабабини ахтарувчи комиссар Жанетт Чилберг ҳамда руҳият шифокори София Цеттерлунд олиб борган ақл бовар қилмас изқуварлик фаолияти билан боғлиқ руҳий драмалар ҳақида ҳикоя қилади. Бошалигда оғир руҳий жароҳатларга дучор бўлган Виктория Бергман ва Самуэл Баининг сиртдан анчайин сирли туолган ҳаётини кузатиш жумбоқлар қалитини топиб беради. Трилогиянинг "Қарға-қиз" деб номланган биринчи қисми Европанинг деярли барча мамлакатларида салкам бир миллион нусхада сотилган.

Мигел Астуриас эътиқоди

Гватемалалик машҳур ёзувчи ва дипломат Мигель Анхель Астуриас (1899-1974) испан тилида ижод қилган. Асарларида Латин Америкаси хиндулари анъана ва урф-одатларини ёрқин акс эттиргани учун 1967 йили адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига сазовор бўлган. Адиб замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнларга оид асарларида майя хиндулари фольклори ва мифологиясидан моҳирона фойдаланган. Астуриаснинг онаси хинду қабилисига, отаси эса оқ танли ва хиндуларга мансуб бўлган. 1923 йили ҳуқуқшунослик бўйича Сан-Карлос университетини битирган адиб Латин Америкасининг бир қанча нуфузли газеталари муҳбири сифатида бутун Европани айланиб, Греция, Миср ва Яқин Шарққа борган. "Гватемала ривоятлари", "Довул", "Жўҳоризор одамлари" каби асарлари ва Гватемала халқининг XX асрдаги озодлик кураши тасвирланган "Қучли шамол", "Яшил Папа", "Мархумлар кўзи" романларини ўз ичига олган "Бананлар трилогияси" адибга катта шўҳрат келтирган. 1946 йили Мексикада Гватемала элчихонаси маданият атташеси, ҳукумат вазири, сўнгра Гватемаланинг Франциядаги элчиси бўлган. 1974 йили Парижда вафот этган адиб Пер-Лашез қабристонига дафн этилган.

"Бизнинг романларимиз фақат сўз билан эмас, образлар билан ҳам ёзилган. Кўпчилик асарларимизни ўқиб, унга фақат кинематография кўзи билан боқишади... Мен учун чинакам латин америкаси романи — бу асарлар қаридан келаётган ва юзлаб саҳифалардан тошиб чиққан фиғону фарёнинг аччиқ доғидир. Ҳақиқий латин америкаси романи халқнинг руҳини акс эттиради ва бор овози билан унинг ҳуқуқини ҳимоя этади", деб ёзган адиб ижодий маслагини мана шу жиҳатларда кўрди ва асарларида бу жараёни ёрқин ва ўзига хос даражада муҳассамлантира олди.

Мигель Астуриаснинг "Сенъор президент" романи Ортик-бой Абдуллаев томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, "Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинган.

"Соҳилсиз дарё"

Немис прозаси ва драматургии, эссе устаси, санъат назарийчиси ва адабий танқидчи Ханс Хенни Янн (1894-1959) қаламига мансуб, жаҳон адабиётида бетақрор ҳодиса ҳисобланган "Соҳилсиз дарё" асари адибнинг модерн услубидаги романидир. Унинг "Ёғоч кема" деб номланган биринчи қисмида шахснинг шаклланиши ва сўниши, хотира ва ижодий фантазия, инсон қалбидаги ички овоз ҳақида сўз боради.

Муаллиф Вернер Хеллвиг ёзган хатида: "Биласанми, яхши китоб ҳеч қачон тугамайди, — деб ёзганди. — Қаерда нукта қўйиш, албатта, ёзувчиға боғлиқ. Бироқ нукта қўйилганидан сўнг ҳам китобдаги ҳаёт янгидан бошланиши мумкин". Ўн беш йил мобайнида ёзилиб, XX асрнинг дурдона асарлари қаторидан ўрин олган "Соҳилсиз дарё" шундай асарлардан бири бўлиб қолди. Трилогиянинг "Густав Ани шаҳодати" деб аталган иккинчи жилдида Латин Америкаси ва Африка соҳиллари бўйлаб беҳуда ва дарбадар кезган ва охир-оқибат Норвегиянинг чекка бир бурчагида иккинчи ватанини топган, етук ёшида номдор композиторга айланган инсоннинг йигирма беш йилдан сўнг аён бўлган севги ихлоси сабаб ўз ҳаётини тафтиш қилиб қўриши билан боғлиқ руҳий драмалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ханс Хенни Янн Гамбург яқинидаги Штеллинген шаҳарчасида кemasоз уста оиласида туғилган. 1915-1918 йилларда Норвегияда ашаган адиб "Пастор Эфраим Магнус", "Ричард III нинг тож кийиши" каби драмалар ҳамда "Угрино ва Инграбания" романини ёзади. 1929 йили чоп этилган "Пер-рудья" романи кўп жиҳатдан Фридрих Ницшеннинг "Зардушт" асариға ҳамоҳанг. Ханс Хенни Янн Клейст (1920) ва Лессинг (1956) мукофотлари билан тақдирланган.

Жан Эшноз. Ўн бешанчи роман

Киноя-пичинг ва детектив-пародия жанридаги асарлари билан доврқ қозонган француз адиби Жан Эшнознинг ўн бешинчи романи "14-нчи" деб номланган. Бунга қадар адиб композитор Морис Равел ("Равил"), енгил атлетикачи Эмил Затопак ("Югуриш") ва машҳур физик олим Никола Тесла ҳақидаги ("Чақмоқ") биографик трилогияси билан китобхонларни ҳайратга солган эди. Янги асарида ёзувчи Биринчи жаҳон уруши жангларида қатнашган оддий одамларнинг туйғуларини қаламга олган. Унинг айтишича, роман сюжети адибнинг рафикаси қариндоши уйда қозғалар орасидан топишган қундалиқни ўқиш ва шу муносабат билан олиб борилган изланишлар жараёнида туғилган. Жан Эшноз 1979-1999 йилларда Фенеон, Медичи ва Гонкурлар мукофотлари билан тақдирланган.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзил: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилади.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олишган. Адади — 4730 Буюртма Г — 957. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташиқлотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КҮНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

